

А.ИСАЕВ С.ЭРГАШЕВА О.ИСАЕВ

IX-XII АСРЛАРДА ТЕРМИЗ МАДАНИЯТИ



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

А.ИСАЕВ, С.ЭРГАШЕВА, О.ИСАЕВ

**IX-XII АСРЛАРДА
ТЕРМИЗ
МАДАНИЯТИ**

**ТЕРМИЗ ШАҲРИНИНГ
2500 ЙИЛЛИГИГА
БАҒИШЛАНАДИ**

**ТОШКЕНТ
«ЯНГИ АСР АВЛОДИ»
2001**

Ушбу китоб Марказий Осиёнинг оқсоч шаҳарларидан бири Термиз шаҳрининг 2500 йиллигига бағишланиб, унда Термизнинг IX-XII асрлар маданиятини ўрганишнинг асосий босқичлари, шаҳарсозлик, бинокорлик ва меъморчиликнинг ниҳоятда ривож топганлиги аниқ мисолларда кўрсатилган.

Бундан ташқари Термиз «Буюк шак йўли» чорраҳасидаги шаҳар эканлиги, унда адабиёт, санъат, фан ва ислом дини тадқиқотларининг олиб борилганлиги хусусида фикр юритилади.

Масъул муҳаррир

филология фанлари номзоди, доцент Р.Б.МУСТАФОҚУЛОВ.

ТАҚРИЗЧИЛАР

Термиз Давлат Университети Ўзбекистон тарихи кафедрасининг мудир, тарих фанлари номзоди, доцент **Э.О.ҚОБИЛОВ**

Сурхондарё вилояти Ўлкашунослик музейи директори, тарих фанлари номзоди, доцент **И.Т.БОТИРОВ**.

Тарих фанлари доктори, профессор **С.Н. ТУРСУНОВ** умумий таҳрири остида тайёрланди.

Термиз Давлат Университетининг 2000 йил 23 декабрдаги Илмий Кенгаши (Баённома қарори № 4) бўйича нашрга рухсат этилган.

ISBN 5-633-01317-4

© IX-XII асрларда Термиз маданияти, «Янги аср авлоди», 2001

МУҚАДДИМА

«Ўзликни англаш тарихни
билишдан боиланади»

ИСЛОМ КАРИМОВ

Кун сайин гуркираб, юз очаётган мамлакатимиз бу йил мустақилликнинг қутлуғ 10 йиллигини зўр шодиёналар билан қаршилади. Ўтган тарихан қисқа давр мобайнида республикаимиз ҳаётининг турли жабҳаларида — ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маданий ва ҳўжалик соҳаларида бир қатор ижобий ўзгаришлар ва силжишлар рўй берди. Истиқлол ва маънавият эгизак тушунчалардир, маънавияти юксак халқни қул қилиш, абадий истибдодда сақлаш мумкин эмас.

Шу аснода қудратли давлат, буюк ижтимоий - иқтисодий илоҳатлар ҳақиқий маънавият заминиде вужудга келади. Тарихий маданий-маънавий қадриятлар, бой меросимизни ўрганиш ва ўзлаштириш асосиде мустақиллик мафқурасининг шаклланиш жараёни кечмоқда ва бу соҳадаги ютуқлар ёрқинроқ намоён бўлмоқда.

Бу ҳақда юртбошимиз Ислам Каримов шундай деган эди: «Тарих хотираси, халқнинг, жонажон ўлканинг, давлатимиз ҳудудининг холис ва ҳаққоний тарихини тиклаш, миллий ўзликни англашни, таъбир жоиз бўлса, миллий ифтихорни тиклаш ва ўстириш жараёнида ғоят муҳим ўрин тутади»¹.

2001 йилда 2500 йиллиги нишонланадиган Термиз шаҳри Марказий Осиёнинг энг кўҳна шаҳарларидан ҳисобланади. Бу мулоҳоза инкор қилиб бўлмайдиган асосларга эга. Шунинг учун ҳам Термиз шаҳрининг жаҳон тарихи ва маданиятида тутган ўрнини ҳисобга олган ЮНЕСКО Бош конференциясининг 1999 йил ноябрь ойида Парижда бўлиб ўтган 30-сессиясида Термиз шаҳрининг 2500 йиллигини дунё миқёсида кенг нишонлаш ҳақидаги қарори қабул қилинди. Шундан сўнг бироз муддат ўтиб,

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бусағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари, Т. «Ўзбекистон», 1997 йил, 140-бет.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 27 декабрда «Термиз шаҳрининг 2500 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш тўғрисида»ги қарори чиқди.

Марказий Осиёнинг улкан дарёси Аму соҳилида жойлашган Термиз шаҳри ҳам улуғ Ватанимизнинг қадимий гўшаларидан биридир. «Ҳали Термизда ҳаёт пайдо бўлганда, маданият, маърифат, маънавият тараққий этганда, — деган эди Президентимиз И.Каримов, — республикамиздаги бошқа шаҳарларга асос ҳам солингани йўқ эди. Термизнинг тарихи — бу, она юртимизнинг тарихи. Бу юрт — бу шаҳар ривожига ҳисса қўшмоқ ҳаммамизнинг бурчимиздир. Мамлакатнинг жанубий дарвозаси ҳам шу жойдадир».

Термиз ўз вақтида Марказий Осиё ҳудудидagi қадимий сиёсий, иқтисодий ва маданий марказлардан бири бўлган. Шаҳарнинг қулай жуғрофик ўрни, яъни Амударёдан кечиб ўтишнинг қулайлиги ва қарвон йўлларининг чорраҳасида барпо этилиши, уни тезда Марказий Осиё, хусусан Бақтрия-Тохаристоннинг йirik шаҳарларидан бирига айланишига сабаб бўлди. Бу ердан жанубни шимол билан, шарқни ғарб билан боғловчи мамлакатлараро қарвон йўллари ўтади. «Буюк ипак йўли» ҳам Термиз орқали ўтганлиги маълум.

«Шаҳарнинг энг қадимги номи қандай бўлган?», Қачондан бошлаб у Термиз деб атала бошлаган?» деган савол ҳар бир ва — тандошимизни қизиқтириши табиий. Термиз шаҳрининг номи турли тарихий манбаларда, масалан, қадимги арман манбаларида (IV-V асрлар) Дрмат деб аталган бўлса, VII асрга оид Хитой манбаларида эса «Тамо» номи билан маълумдир.

Қадимги Термиз Юнон-Бақтрия ва Кушон подшоҳлиги даврида шаклланиб, ривож топган. Археологик далилларга кўра, кўҳна Термиз ва унинг атрофида инсон фаолияти билан боғлиқ маданий қатлам қолдиқлари милоддан олдинги I минг йилликнинг ўрталарига оиддир. Термизнинг илк шаҳар қиёфасида шаклланиши милоддан олдинги III асрда, яъни Юнон-Бақтрия подшоҳларидан бири Демитрий ҳукмронлиги йилларига тўғри келади.

Бир гуруҳ мутахассисларнинг фикрича, Термиз шаҳрининг асосчиси подшоҳ Демитрий ҳисобланган, яъни Термиз атамаси унинг номини бузиб, ўзгартириб талаффуз этиш оқибатида шаклланган. Масалан, Демитрий -Дармита -Тармита - Термита - Тирмиз -Термиз ва ҳоказо.

Баъзи бир олимлар эса Термиз сўзи Шарқий Эрон халқлари тилида «дарёдан кечув жойининг нариги соҳилида жойлашган аҳоли яшайдиган жой» деган маънони англатади, деб таъкидлайдилар.

Араблар истилоси ва ундан кейинги даврларда, хусусан, IX-XII асрларда шаҳарда зарб этилган тангаларда ҳам шаҳарнинг номи «Термиз» деб юритилганлиги фанда маълумдир.

VIII асрда Термиз ҳам Тохаристон ўлкасининг бошқа мулкликлари сингари араб халифалиги таркибига қўшиб олинди. IX асрнинг биринчи ярмида, яъни 824 йилда бошқа мулклар сингари Термиз ҳам тохирийлар сулоласи қўли остига ўтган.

IX асрнинг охирида Термиз ва унинг атрофидаги ерлар сомонийлар давлати таркибига кирган, Амалда эса ҳокимият IX асрнинг иккинчи ярмида Чағониёнда Сағониён давлат тепасига келган ал Мутаж асос солган муҳтажидлар сулоласининг қўли остида бўлади. Сомонийлар давлатининг емирилиши оқибатида Термиз шаҳри икки давлат, хусусан қорахонийлар ва ғазнавийлар ўртасида талаш майдонига айланиб қолган. Тарихий маълумотлардан маълумки, бу икки давлатнинг ўртасидаги чегара Амударё деб тан олинган. Қорахонийлар ҳарбий жиҳатдан жуда катта аҳамиятга молик Термиз орқали ғазнавийлар давлатининг ичкарисига юриш қилиб турганлар.

1108 йилда Балх ёнидаги жангда ғазнавийлар қорахонийлар лашкарини тор-мор этганларидан сўнг, Термиз ғазнавийлар давлати таркибига киритилди. XI аср тарихчиси Абул Фазл Байҳоқий ўзининг «Масъул тарихи»да таъкидлашича, Термиз шаҳри XI асрнинг бошида душман ололмайдиган мустаҳкам қалъага айлантирилган. Қалъа бошлиғи вазифасини эса махсус тайинланадиган қутвол адо этган.

XI асрнинг иккинчи ярмидан XII асрнинг 50-йилларигача Термиз навбатма-навбат икки сулола, яъни салжуқийлар ва қорахонийларнинг қўли остида турди.

XII асрнинг иккинчи ярмидан 1206 йилгача Термиз дастлаб туркий халқлар ҳисобланган қорлуқлар мулклиги ва Самарқанд ҳукмдорлари қўли остида бўлди.

Шундай қилиб, Термиз IX-XII асрларда Шарқ маданиятининг йирик марказларидан бирига айланди. Бунинг эса кўплаб сабаблари бор, албатта. Улар қуйидагилардир:

1. Бу даврга келиб Туркистон ерлари хорижий истилочилар асоратидан озод бўлиб, маҳаллий феодал аристократия ҳукм-

ронлигидаги мустақил, марказлашган давлат ташкил топди, унда юксак иқтисодий, ўз навбатида, маданий ривожланиш юз берди. Термиз ҳам Самарқанд, Бухоро, Шош, Марв каби шаҳарлардан қолишмайдиган йирик иқтисодий, маданий марказга айланди.

2. Термиз «Буюк ипак йўли» чорраҳасида жойлашган шаҳар бўлиб, бундан икки ярим минг йил муқаддам йирик иқтисодий, маданий марказ сифатида бутун Шарққа танилган эди. IX-XII асрларга келиб ана шу жараён, алоқалар янада кучайди ва мустақамланди.

3. Термиз дунёвий ва исломий илмларнинг ҳамкорликда ривожланган йирик маркази ҳисобланади.

4. Ўтмишда Термизда IX-XII асрларда ал Ҳаким Термизий, Абу Исо Имом Термизий, Абу Бакр Варроқ Термизий, Муҳаммад Абу Абдулло ибн Аҳмад Жайхуний, Аҳмад ибн Муҳаммад Сағоний Устурлобий, Абу Жаъфар Ҳозий, Юсуф Ҳайёт Термизий, Заргар Термизий, Абдул Ҳасан Мунжик Термизий, Собир Термизий, Абу Музаффар Термизий, Абдул Ҳамид Термизий каби ўнлаб аҳли донишлар, илм-фан, адабиёт, санъат намояндalари яшаб ижод қилдиларки, улар Термиз «Байтул-ҳикма»сига асос солган эдилар.

Ўша IX-XII асрлардаёқ Термизнинг дунёвий ва исломий маданияти жаҳон илм аҳли эътиборини ўзига жалб этган эди. Термиз маданияти ўзининг жаҳоншумул шон-шуҳратини кейинги асрларда ҳам сақлаб қолди.

5. Термизда жаҳоншумул маданият ва маърифат, маънавият мактаби яратилдики, ана шу уммондан 1000 йилдан ошиқроқ вақт мобайнида бутун жаҳон аҳли баҳраманд бўлиб келмоқда.

Ўқувчилар ҳукмига ҳавола этилаётган ушбу китоб «IX-XII асрларда Термиз маданияти» деб номланиб, унинг муаллифлари доцент А.Исаев, С.Эргашева ва О. Исаевлар ўша даврларда Термиз шаҳрининг ривожланишида илм-фан, адабиёт ва санъат, ислом динининг тадқиқоти ҳамда шаҳарсозлик ва меъморчилик илмларининг тутган ўрни ва уларнинг ривожини хусусидаги ўз тадқиқотларини баён этишган.

ТЕРМИЗНИНГ IX-XII АСРЛАР МАДАНИЯТИНИ ЎРГАНИШНИНГ АСОСИЙ БОСҚИЧЛАРИ

Шаҳарсозлик ва меъморчилик

VII-VIII асрларда араблар Бақтрия, Сўғд, Хоразм ва бошқа жойларни истило қилганларида Мовароуннаҳрдаги феодал шаҳарлар ҳаёти ўзининг жуда қадимий анъаналарига эга эканлигини кўриб, бу ерда яшаётган халқларнинг маданияти, илму фани ривож топганлигининг гувоҳи бўлган эдилар.

Машҳур рус шарқшунос олими В.В.Бартольд IX-X асрларда араб тилида ёзилган жуғрофий асарларда Эрон ва Мовароуннаҳр шаҳарларини кўрсатмоқ учун махсус атамалар изоҳини ишлаб чиққанлигини ўз асарларида бир неча марта қайд қилиб, уни қуйидагича ифодалаган эди (Ушбу изоҳли ифодалашдан ҳозиргача фойдаланиб келмоқдалар):

1. «Кўҳандиз» — «эски қўрғон» деган маънони билдиради ва асли форсча атамадир; шу билан бир қаторда асли арабча бўлган «қалъа» деган атама ҳам ишлатилади.

2. «Мадина» — арабча атама бўлиб, форсча «шаҳристон» атамасининг айни маъносини ифодалайди. Шаҳарнинг ички қисми, яъни энг қадимий қисми, араблар истилосидан олдин ҳам бўлган ва кўпчилик қисми шу сўзлар билан ифодаланган.

3. «Работ» — асли арабча атама бўлиб, «ички шаҳарни», яъни «мадинани» ёки «шаҳристонни» (бир неча томондан ёки ҳамма томондан ўраб турган шаҳар атрофи ерларини) билдирган. Баъзан «работ» деган атама билан ички шаҳар ҳам, шаҳар атрофи ерларини ўраб олган девор ҳам ифодаланган.

4. «Балад» — умуман бутун шаҳарни, яъни «ички шаҳар» билан шаҳар атрофи ерларини бирга қўшиб ифодаловчи атамадир.

Мазкур атамаларнинг қадимги ва ўрта асрларда Термиз шаҳрида мавжудлиги унинг Мовароуннаҳрдаги Самарқанд, Бухоро, Урганч, Шош, Пойканд ва бошқа шаҳарлар қаторида раванқ топганлиги ва гуллаб-яшнаганлиги, бу ерда илм-фан ва маданиятнинг ривож топганлигидан далолат беради.

IX асрда Мовароуннаҳрда бўлгани каби Термизда ҳам маданиятнинг барча жабҳаларида кескин ўзгаришлар юз берган давр ҳисобланади. Бу ўзгаришлар ёзув ва тилда, меъморчилик, танга пулларни зарб этиш, кулолчилик, темирчилик ва моддий маданиятнинг бошқа турларида ўз ифодасини топган эди.

«Термиз шаҳрининг майдони ва тузилиши қандай эди?» деган савол туғилиши табиий. Милодий 639-645 йилларда Хитой сайёҳи ва географи, тарихчиси Сюан-Цзянь ўз тафсилотларида Тохаристоннинг мулкларидан бири Да-ми, яъни Термиз ҳақида қисқача маълумот қолдирган. Унинг тафсилотларига кўра, шаҳар ташқи деворининг умумий узунлиги 20 лига (1ли-0.5 километрга тенг), яъни 10 километрга тенг бўлган экан. Илк мусулмон тарихчилари ёзиб қолдирган маълумотлар янада қизиқарлидир. Масалан, IX-X асрлардан яшаган араб, форс тарихчилари ибн Хордадбеҳ, ат-Табарий ва Истаҳрийлар Термиз ҳақида қимматли маълумотлар ёзиб қолдирганлар. Далилларга мурожаат этамиз. Ибн Хордадбеҳ таърифига кўра, шаҳар дарёнинг бўйидаги қоятошлар устига қурилган. Истаҳрийнинг хабар қилишича, X аср бошларида Термиз қалъа, шаҳаристон ёки мадина ва работдан иборат бўлган. Термизнинг шимолий Тохаристондаги йирик шаҳар сифатида шаклланиши XI асрга оиддир. У бу даврда тахминан 500 гектарга яқин майдонни ишғол этган. Шу муносабат билан ўрта асрлар давридаги араб ва форс манбаларида қарвон йўлларида жойлашган қалъа, қишлоқ ва қарвонсаройлар ўртасидаги оралиқ масофа Термиз шаҳри ҳисобланган. Амударё бўйлаб ғарбий томонга йўналган йўл Термизни Хуросон ва Марв билан, Шеробод воҳасидан ўтган қарвон йўли бу шаҳарни Бойсунтоғдаги Темир дарвоза орқали Кеш ва Самарқанд билан боғлаган. Термиз Хуросон ва Мовароуннаҳрни сув йўллари орқали ҳам боғлаган. Араб тарихчиси Истаҳрийнинг асарида Термиз Жайхун бўйидаги порт шаҳар сифатида тилга олиниб, ёзиб қолдирилган. Термиз шаҳри атрофида ям-яшил боғ-роғларга бой ва обод қишлоқлар мавжуд бўлган. Уларнинг баъзи бирларининг номлари тарихий манбаларда сақланиб қолган. Булар Бусанж, Рихшабуд, (Рухшайуд), Шайтон ёки Батикар сингари қалъалардир.

Қадимги Термиз осори-атиқалари ва маданий ёдгорликлари ўтган асрдаёқ тадқиқотчи олимларнинг назарига тушган. Маълумки, 1926-1928 йилларда кўҳна Термиз харобаларида Москвадаги Шарқ маданияти музейи ходимлари томонидан профессор Б.П. Денике раҳбарлигидаги дастлаб йирик археологик қазиш ишлари олиб борилди. Бу изланишлар натижасида Термиз тарихи ва маданиятига оид жуда қимматли маълумотлар қўлга киритилди. Экспедициянинг энг муҳим топилмаларидан бири шаҳар харобасининг шарқий қисмида жойлашган XI-XIII асрларга оид термизшоҳлар саройидир.

Термиз археология жиҳатидан тизимли равишда ва ҳар томонлама ўрганилди. Уни профессор М.Е.Массон раҳбарлигидаги Термиз археология комплекс экспедицияси (ТАКЭ) 1936-1938 йилларда тадқиқ қилиб ўрганиб чиқди.

Экспедиция чиқарган мустаҳкам хулосаларнинг бири шуки, кушонлар даврида гуллаб-яшнаган Термиз шаҳри V-VII асрларда инқирозга учраган. ТАКЭ тадқиқотлари маълумотларига қараганда, VII асрда Термиз яна қаддини ростлаб олиб, Термиз шоҳларига қарашли унчалик катта бўлмаган ўлканинг марказига айланган. VIII асрда араблар истилоси ва ҳукмронлиги даврида ва ундан кейинги IX-XII асрларда сомонийлар, қорахонийлар ва салжукийлар даврларида Термиз ниҳоятда ривожланган ва гуллаб-яшнаган Мовароуннаҳр шаҳарларидан биридир.

Профессор М.Е.Массон раҳбарлигидаги ТАКЭ шаҳар харобаларининг барча қисмларида қазилар ишлари — изланишлар олиб бориб, майдони 500 гектарга яқин бўлган манзилгоҳнинг топографик тарҳи тузилди ва илмий жамоатчиликка маълум қилинди. Экспедиция раҳбари ва қатнашчилари шаҳарнинг тарихий тараққиётига доир қўлёзма манбалардан ҳам фойдаланиб, археологик топилмалар ва тарихий асарлар асосида қулчилик тузумининг тушкунликка учраши ва феодал муносабатларнинг қарор топиши даври таърифлаб берилди. ТАКЭнинг икки жилдлик тўплами ҳозирги кунда ҳам қадимги Термизни тадқиқ этишда беназир қўлланма бўлиб келмоқда.

Кўҳна Термизни археологик тадқиқ қилиш ишлари узоқ йиллик танаффусдан сўнг, 80-йилларда яна давом эттирилди. Ўзбекистон Фанлар Академиясининг Яҳё Фуломов номидаги Самарқанд археология илмий-текшириш институтининг академиги Аҳмадали Асқаров раҳбарлигида Сурхондарё археология комплекс экспедицияси ўз иш фаолиятини олиб бориб, ижобий илмий натижаларни қўлга киритди. Ушбу экспедициянинг ишларини Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети Ўзбекистон тарихи кафедрасининг мудир, таниқли археолог, тарих фанлари номзоди, доцент Ш.Пидаев ва Сурхондарё археология бўлимининг раҳбари, тарих фанлари номзоди, доцент Т.Ж.Аннаев раҳбарлигидаги Термиз Давлат Университети тарих факультети талабаларидан иборат гуруҳ иштирокида янги изланишлар давом эттирилмоқда. Бундан ташқари, Термизнинг 2500 йиллигини аниқлашда ва тадқиқ қилишда Ўзбекистон-

Франция қўшма археологик экспедицияси раҳбари профессор Пеер Лериш ҳамда Ўзбекистон-Япония археологик экспедиция бошлиғи профессор Т.Като раҳбарлигидаги олимларнинг ҳам хизматларини айтиб ўтиш жоиз деб биламиз.

Термиз шаҳрида ўтказилган археологик тадқиқотларга асосланиб, бу шаҳарнинг тузилиши ва ундаги мавжуд иншоотлар ҳақида қуйидагиларни айтиш мумкин.

Кўҳна Термиз тўрт ҳалқадан иборат маҳобатли деворлар билан ўралган, улар ўз навбатида шаҳар қалъаси, шаҳристонни, работни ўраб турган. Тўртинчи ҳалқа деворлари бизгача сақланиб қолмаган. Ўрта аср ёзма манбаларида қайд этилишича, қадимги Термизни 1220 йилда Чингизхон қўшинлари вайрон қилган ва уни батамом бузиб ташлаган. Шундан сўнг Термиз шаҳар сифатида қайта тикланмайди. Кейинчалик Сурхон дарёси бўйида қад кўтарган Термиз эса аввалгидек равнақ топа олмади.

Кўҳна Термиз манзилгоҳи ҳозирги Термиз шаҳридан 8 километр ғарбда, Амударё бўйида жойлашган бўлиб, унинг энг маҳобатли қисми бевосита дарё бўйида қад кўтарган. У қадимда «кўҳандиз», яъни кўҳна қалъа деб аталган. Қалъа 10 гектардан иборат тўғри тўртбурчак шаклидаги майдонни эгаллаган мустаҳкам истеҳкомдир. Манбаларда таъкидланишича, қалъада шаҳар ҳокимининг саройи жойлашган. Қалъа уч томондан мудрофаа деворлари ва хандақлар билан, тўртинчи дарвоза жанубий томондан эса бевосита Амударё билан чегаралангандир.

Қадимги ёзма манбаларда ҳам асримизнинг 30-йилларидаги профессор М.Е.Массон раҳбарлигидаги Термиз археология комплекси экспедицияси материалларида ва бугунги кундаги археологик тадқиқотларда ҳам кўҳна Термиз қалъасининг тўртта дарвозаси бўлганлиги қайд этилади. Улардан иккитаси ғарбий ва шарқий томондан соҳил яқинида жойлашган. Учинчи дарвоза шимолий деворнинг ўрталарида бўлиб, икки томондан миноралар билан қўшимча мудрофааланган. Қалъанинг тўртинчи дарвозаси дарё томонида бўлиб, унинг жанубий қисмида жойлашган дарё дарвозасидир. Жануби-шарқий бурчакда, дарё соҳилида олиб борилган қозишмалар даврида учта йирик қурилиш даврини кўрсатувчи деворлар очилди. Кейинги қурилиш даврида ушбу деворларнинг ташқи томонидан ҳар хил катталиқдаги пишиқ ғиштлардан 2 метр қалинликдаги деворлар қурилган. Де-

ворнинг юқори қисмида камонбозлар учун йўлакча бўлиб, унинг ташқи дарё томонида эса тўсиғи бор. Ушбу қазилган жойдан 40 метрча ғарброқда, яъни дарё дарвозаси ўрнида олиб борилган қазишмалар натижасида қалъанинг асоси устидаги шағалсимон қатламда Бақтрия даври сопол парчалари топилган.

Дарё дарвозасининг шарқий тарафида очилган кушонлар даврига оид пахса деворлар устида тўртбурчак шаклидаги тамғали хом ғиштли мустаҳкам девор қолдиғи мавжуд. Пахса ва хом ғишдан ишланган бу иншоотнинг жанубий қисмида 6 та пиллапожи сақланган зинапоя қолдиғи тозалаб олинди. Шаҳар ҳимоячилари зинапоядан дарёда ҳаракатланаётган кемаларни кузатиш ёки меҳмонларни кутиб олиш учун фойдаланган бўлса ажаб эмас. Қалъанинг шимоли-ғарбий бурчагида шимолий девор атрофида олиб борилган изланишларда бурж минорасининг гардишсимон шаклда эканлиги ҳамда деворлари тўрт мартаба қайта қурилганлиги аниқланган. Илмий изланишлар натижасида энг асосий девор кушонлар даврида қурилганлиги маълум бўлди. Охириги уч қурилиш даврлари эса сопол парчаларини ўрганиш, тадқиқ қилиш асосида IX-X, XI-XIII ва XV асрда деб белгиланди.

Қалъа иншоотларининг яна бири, бу ҳозирда сув ичида қолиб кетган тўғри тўртбурчак шаклидаги миноралари билан соҳилдаги деворлар қолдиқлари бўлиб, улар сувга чидамли қорيشма ёрдамида пишиқ ғишдан терилган. Ўрта аср тарихчилари «Термиз қалъаси деворларини Жайхун ювиб туради» ёки «Термиз қалъаси Жайхун дарёси устида осилиб туради», деганларида худди ана шу иншоотларни назарда тутган бўлсалар ажаб эмас.

Қалъанинг шимоли ва шимоли-шарқий томонидаги кенг манзил шаҳар шаҳристонидир. Шаҳристонда X-XIII асрларда бошқа иншоотлар билан бирга шаҳар қалъаси яқинида термизлик машҳур олим шайх Абу Али Абдуллоҳ, Муҳаммад ибн Али бин Ҳусайн ал Ҳаким ат-Термизий қабри атрофида мақбара вужудга келади. Шаҳристон ўзига хос қўш деворлар билан ўраб олинган. Деворлар орасидаги масофа 8-10 метр, қўшма деворларнинг эса ҳар 45-50 метрида ярим айлана буржлари бор. Асосий ички деворнинг устида ва минораларида камонбозлар учун йўлакчалар қурилган.

Буржлар ва миноралар деворларнинг мудофаа қобилятини ошириб, унинг қанот ҳимоясини таъминлаган. Ҳар бир минора ёки бурж айланаси 6-8 метр бўлиб, 3-3,5 метр ташқарига бўртиб

чиқиб турган. Шаҳристонга кириш жойи унинг шарқий томонида жойлашган. Мутахассислар шаҳристоннинг ташқи мудофаа девори билан ўраб олинишни араб босқинчилари келгунига қадар бўлган давр билан боғлашади. Демак, асосий ички девор ўрта асрларда қурилган бўлиб чиқади. Археологик изланишлар даврида топилган турли қазилма манбалар, сопол парчалари, деворларнинг тузилиши, деворлар ва иморатларнинг қурилиш услуби бу деворларнинг асосан X асрнинг бошларида қурилганлигини кўрсатади. Дарҳақиқат, деворларнинг қўшалок қилиб қурилиши стратегик жиҳатдан муҳим аҳамиятга эгадир. Чунки шаҳарга бостириб кирган душман биринчи ташқи деворни ишғол қилар экан, ички девор орасидаги ўзига хос «қопқон»га тушиб қолган бўлса ажаб эмас ёки тахминларга кўра, шундай бўлган ҳам. Изланиш натижалари кўҳна Термизни, унинг деворларини таъмирлаш ишлари доимо амалга оширилиб борилган деган хулосани беради. Дастлабки таъмирлаш ишлари XI асрга тўғри келади. Унда баъзи иншоотлар, хусусан миноралар пишиқ гишт билан ўраб олинади; камонбозлар йўлакчалари таъмирланади. Кейинги даврларда эса девор ва минораларнинг тоза қисмининг таъмирланиши XII аср охири XIII аср бошларида олиб борилган.

Кўҳна Термиз шаҳристонидан шарқда ва шимолий шарқда работ қисмида жойлашган. Шаҳар работининг мудофаа деворлари шароитни ҳисобга олиб қурилган. Мудофаа девори асосан пахсадан қурилган бўлиб, деворнинг ташқи томонида ҳар бири 38-45 метр оралиқда ярим айлана шаклидаги буржлар жойлашган. Работнинг мудофаа истеҳкомида ҳозирги кунгача 36 та бурж сақланиб қолган. Работ деворларидаги бир неча айлана ва бурчаклар аввало ҳимоя вақтида қулайлик яратган, қолаверса, мутахассисларнинг таъкидлашларича, зодагон ҳовлиларини работ қуршовига киритиш мақсадида шундай қилинган. 30-йилларда изланишлар олиб борган профессор М.Е.Массон бошчилигидаги Термиз археология комплекс экспедицияси ва бугунги археолог олимлар томонидан олиб борилаётган изланишлар натижаси бўйича работ деворлари 5-6 та бўлган. Улар шаҳар кўчаларининг деворларига туташган жойларга тўғри келади. Шаҳарнинг работ қисмида бир неча дарвоза бўлиб, улар работнинг турли томонида жойлашган. Шулардан бири шарқий томондаги дарвоза бўлиб, унга марказий йўл олиб борган. Бу дарвоза шаҳарнинг ички қисмини термизшоҳлар саройи билан боғлаб турган.

Шарқий деворнинг ўрта дарвозаси нисбатан яхши сақланган бўлиб, унинг 18-20 метр саҳнида пишиқ гишт ётқизилган дарво-заҳона ҳам бор.

Работнинг марказий қисмида Чорустун масжиди ва минора-си жойлашган. Ушбу минора Мовароуннаҳрдаги бундай кўри-нишдаги иншоотларнинг энг тўнғичидир. Бу жойда, шунингдек, карвонсаройлар, ҳаммомлар ҳамда ҳунармандларнинг алоҳи-да-алоҳида маҳаллалари ҳам бўлган. Жумладан, кулолчилик ма-ҳалласи работнинг шимолий қисмида жойлашган экан.

Работнинг қолган қисми ҳам шаҳристондагидек юзлаб уйлар-дан иборат бўлган. Ҳар бир уй шаҳарнинг умумий меъморчилик тузилишига қараб қурилган. Бу ҳолни, айниқса, хонадонларнинг бир-бирига нисбатан жойлашишида, шаҳарни ичимлик суви би-лан таъминлаш ва чиқинди сувларни чиқаришга мўлжалланган қурилмалар мисолида кузатиш мумкин.

Ҳар бир шаҳарлик хонадони 20 ва ундан ортиқ ҳар хил катта-ликдаги хоналардан иборат бўлган. Ундаги қурилмалар айвон, қабулхона ва базм хоналари, эркак ва аёллар хоналари ва ҳўжа-лик хоналаридан иборат бўлган. Хоналарни безашда меъморчи-лик, наққошлик каби амалий санъатнинг кўплаб турларидан фой-даланганлар. Мураккаб ислимий ва гириҳ нақшлар ва ранг тас-вирлар, лойга ўйиб ишланган узум боши ва унинг барги шаклла-ри, ёғочни ўйиб ишлаш ва ўйма ганч шулар жумласидандир.

XI асрдан бошлаб работнинг шарқий томонида термизшоҳ-лар сарой комплекси қурилади. Ярим айлана шаклидаги бурж-лари бор махсус мудофаа девори билан ўраб олинган бу иншоот-нинг умумий майдони 10 гектарга тенг. Бу жойда асосан қабул маросимларига мўлжалланган қабулхона ва унга туташ бино-лар қурилган, қабулхона тўғри тўртбурчак шаклида бўлиб, зал-нинг узунлиги 13,5 метр, эни 11,5 метрга тенг бўлган ўнта гишт-дан терилган кунгурали устун зални уч қисмга бўлиб турган.

Қабулхона деворининг юза қисми ва устунлари мураккаб ис-лимий ва гириҳ нақшлар ҳамда бир-бирига қарата ишланган йир-тқич ҳайвонларнинг, чунончи, йўлбарс ва шерларнинг ўйма ганч-чи шакллари билан безатилган.

Демак, кўҳна Термиз шаҳрининг энг гуллаган даври IX-XII ас-рларга тўғри келади, деган хулосани беради. Айни чоқда шаҳар харобаларида изланишлар давом этмоқда. Аминмизки, улар кела-жақда қадимги шаҳримиз тўғрисида аниқроқ маълумотлар беради.

IX-XII асрларда кўҳна Термизда шаҳар қурилиши ишлари билан бирга меъморчилик ишлари кенг кўламда олиб борилганлигини археологик кузатув натижаларидан биламиз. Сурхондарё вилояти, хусусан, Термиз шаҳри ва унинг атрофидаги ҳудудларда жуда катта илмий қимматга эга бўлган тарихий меъморчилик ёдгорликлари кўп. Бу ёдгорликларни ўрганиш ва тадқиқ қилиш 1925 йилдан бошланди. Ўша йили эски Термиз ўрнини текшириш ва ўрганиш бўйича ташкил этилган ҳукумат экспедициясининг асосий вазифаси меъморий ёдгорликларни ўрганиш, уларнинг ким томонидан ва қачон қурилганлигини, харобалик даражаси, қайта таъмирлаш мумкин ёки мумкин эмаслигини аниқлашдан иборат эди. Даставвал фақат ташкилий ишлар билан шуғулланган мазкур экспедиция, давлат томонидан маданий ёдгорликларни ўрганиш борасида қўйилган илк қадамлардан бири бўлди.

1926-1928 йилларда Москвадаги Шарқ маданияти музейи томонидан тузилган, профессор Б.П.Денике бошчилигидаги В.В.Вяткин, Б.Запискин, В.Витмаринлардан иборат экспедиция аъзолари кўҳна Термиз харобаларида иш олиб бордилар. Термиз шаҳри харобаларини ўрганиш экспедициянинг асосий мақсадлардан бири эди. Экспедиция аъзолари аввал эски Термиз ўрнининг топографиясини тузишди. Шубҳасиз, изланишлар давомида қўлга киритилган энг йирик топилмаларидан бири шаҳар харобасининг шарқий қисмида жойлашган маҳобатли бинонинг очилиши бўлди. Олимлар шаҳар харобаларини текшираётган вақтларида унинг шарқий қисмида жойлашган тепаликдан тасодифан ер юзасига чиқиб турган ўйма ганч парчасини топиб олишди. Улар шу заҳотиёқ бу ерда қазилган ишларини бошлаб юбордилар; маълум бўлишича, топилган ўйма-ганч бўлаги бу ерда жойлашган хонани безаб турган йирик паннонинг кичик бир парчаси экан. Аслида эса хонанинг ҳамма деворлари жуда бой ва гўзал ўйма ганч билан безатилган экан. Ўйма ганчнинг ишланиш услубияти ва унда тасвирланган сурат ҳамда нақшлар олимларни ҳайратга солган. Ушбу топилма экспедиция аъзоларида бу жой қандайдир маъмурий бино бўлса керак, деган фикрни уйғотди. Шундай қилиб, изланишлар археолог олимларни жуда зўр топилмалар билан хушнуд этди. Топилмалар улар кутгандан ҳам бир неча бор зиёд эди. Лекин экспедицияга ажратилган маблағнинг камлиги бу бино-

ни тўла очиб ўрганишга имкон бермади. Дастлабки экспедиция натижалари Сурхондарёдаги археологик ёдгорликларни ўрганиш ишига муносиб ҳисса бўлиб қўшилди. Тарих фани Ўзбекистон жанубий ҳудудларида қайта жонланган санъат ва меъморчилик хазиналари ва у ҳақдаги маълумотлар билан бойиди.

Аввал эслатиб ўтганимиздек, 1936-1938 йилларда М.Е.Массон бошчилигидаги А.Шишкина, В.Жуков, Е.Пугаченкова, Е.Пчелина, Г.Парфенов ва бошқалар иштирокидаги Термиз археология комплекс экспедицияси фаолият юритди. Бу археологик экспедиция термизшоҳлар саройининг ўрта аср Марказий Осиё меъморчилигини ўрганишда ниҳоятда илмий аҳамиятга эга эканлигини инobatга олиб, тепаликда қазилган ишларини давом эттиришга ва бинони иложи борича тўлиқ ўрганишга қарор қилди. Олиб борилган изланишлар натижасида бу ерда бутун бир йирик меъморий мажмуа жойлашганлигини аниқладилар.

Бундан ташқари, экспедиция эски Термиз ўрнидаги қадимий жойларни ва ал Ҳаким ат-Термизий дахмасини ўрганди.

М.Е.Массон асос солган Марказий Осиё археология мактабининг талабалари кейинги йилларда Сурхондарёда ўтмиш обидаларини текшириб, бутун дунёга танитишда фаол хизмат қилдилар. Мисол учун, унинг умр йўлдоши Ўзбекистон Фанлар Академиясининг академиги Г.А.Пугаченкова санъатшунос олима сифатида Марказий Осиё меъморчилик обидаларини синчковлик билан ўрганиб, у ўзининг «Очиқ осмон остидаги музей» (Тошкент, Гафур Фулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1981 йил) асарида IX-XII асрлар меъморчилигининг бошқа даврлар (асрлар) меъморчилигидан фарқларини, унинг ютуқларини ва ўзига хос жиҳатларини кўрсатиб берди. Олима ушбу асарида яна шу давр меъморчилигининг юқори поғонага қўтарилишида туртки бўлган омилларни усталик билан очиб берган. Термизнинг IX-XII асрларга оид тарихий обидалари Марказий Осиё меъморчилигини ўрганишда катта аҳамият касб этади. Демак, олиманинг юқоридаги асарида баён қилинган фикрлари нафақат Марказий Осиё, балки унинг маълум қисми бўлган Термиз меъморчилиги тарихига ҳам тааллуқлидир. Г.А.Пугаченкова ўз асарида ўрта аср меъморчилиги ҳақида қуйидагиларни таъкидлаб ўтади.

VII аср охири ва VIII аср бошларида Мовароуннаҳрнинг ягона араб халифалиги таркибига кириши билан феодализмнинг ривожланишида янги силжиш даври бошланганлигини билдиради.

Феодал тузуми юксалиш ва ривожланиш босқичига кириб, бири бири билан рақобат қилувчи майда давлатчалар ўрнига марказлашган давлат — дастлаб халифаларнинг, кейинроқ, яъни IX асрдан бошлаб номигагина уларга бўйсунган Мовароуннаҳрда — сомонийлар, Хоразмда эса маъмунийлар сулоласидан бўлган маҳаллий ҳукмдорларнинг ҳоқимиятлари вужудга келди. Бу эса феодал даври шаҳарларининг гуркираб ривожланиши жараёнининг ифодасидир. Улар орасида Бухоро (сомонийлар давлати пойтахти), Қиёт (Хоразм ҳукмдорлари пойтахти), Термиз (Чағонийён ҳукмдорлари пойтахти) ва Самарқанд, Пойканд, Кеш, кўҳна Урганч, Марв ва бошқа йирик шаҳарлар бор эди.

Дастлабки меъморчилик арабларгача бўлган даврда шаклланган йўналиш бўйича давом этди. Лекин IX-X асрларда халифалик маданиятининг шундай босқичи келадикки, унда бу маданият бўйсундирилган халқлар маданияти ютуқларини ўзлаштириб, сўнгра умумхалифалик маданияти жиҳатларини унинг ўзига сингдириб яна қайтаради. Бунда, шубҳасиз, ўша мамлакатларнинг исломлаштирилиши ҳам катта ёрдам берди. Исломлаштириш, хусусан, мусулмон ибодатхоналарининг тикланишида, арабча битикларнинг, геометрик шаклларнинг нақшли безак сифатида қўлланишида IX-X асрлардаги шаҳарларнинг меъморий қурилишида акс этади. Марказий Осиё меъморларининг ишлари ҳукмдорларнинг шаҳар ичидаги саройларини, обрўли кишилар хонадонларини, маъмурий ҳукумат уйлариини безаган, улар бозорлар, ҳаммомлар, кўприклар, масжидлар, мадрасалар, мақбаралар, яшил боғлар қўйнида қарор топган шаҳар ташқарисидаги саройлар ва феодал-зодагонларнинг қасрларини эслатади. Лекин деҳқон қасрлари бу пайтга келиб ҳарбий қалъа сифатидаги аҳамиятини йўқотди. Энди улар шаҳар ташқарисидаги қулай қаср-кўрғонга айланади. Чунончи, Термиз яқинидаги «Қирққиз» обидаси худди ана шундайлардан биридир. Қирққиз комплекси пештоқли айвонлар, ҳар бир чорагида эса йўлкалар билан ўзаро боғланган хоналари бўлган ички ҳовлисига эга икки қаватли иншоот ҳисобланади.

Араблар истилосигача бўлган давр меъморчилик декоратив жиҳозларига нисбатан IX-X асрлар меъморчилик безаклари сезиларли даражада ўзгариш касб этди. Исломнинг қонунийлашиб бориши билан тасвирий санъатнинг «қатағон» қилиниши умумий нақшнинг тантанасини таъмин этди. Пишган гиштнинг қўлла-

ниши меъморлар учун ғиштни орқаси билан териб, тик, диагонал бўйлаб «арча» усулида геометрик нақш яратадиган комбинацияларнинг қутилмаган имкониятларини очди.

Ёғоч ва ганч ўймакорлиги борасида ўсимлик нақшининг кўпгина қадимги мотивларини сақлаган ҳолда борган сари уларнинг услубийлашуви кўзга ташланади. Ниҳоят, араб имлосининг эгалланиши муносабати билан безакнинг янги тури — эпиграфик нақш пайдо бўлди.

Марказий Осиё XI-XIII аср бошларида тепасида қорахонийлар, ғазнавийлар, салжукийлар ва хоразмшоҳларнинг туркий сулолалари турган йирик давлатлар таркибига кирган. Феодализм тараққиётининг бу даври шаҳарлар ривожланишининг кейинги босқичи билан ажралиб туради, уларда аҳолининг кўпайиши, маъмурий ҳукумат ва ҳарбий кучларнинг тўпланиши, ички ва халқаро савдонинг кенгайиши меъморчилик қурилиши иши билан банд бўлган уста-устазодалар олдига масъулиятли ва хилма-хил вазифалар қўяди. Қурилиш ишлари борасида қурилиш ашёлари ва лойиҳаларини мукаммаллаштириш таркибида тараққиёт кўзга ташланади. Монументал меъморчиликда тобора мустаҳкамлиги юксак бўлган лойга ёпиштирилган пишган ғиштнинг аҳамияти ортиб боради.

Меъморлар гумбазли-қуббали томларни ишлаб чиқишда, айниқса деворлар квадрати устида гумбазни лойиҳалаш борасида катта ютуқларга эришдилар. Бу усул кўчиб турувчи пухта ўйланган воситалар, енгиллаштирилган ички бўшлиқнинг тузилиши, гумбазларнинг ўзини икки қобиқли қилиб кўтариш билан юзага келтирилади. Бундай лойиҳалаш борасида Марказий Осиё меъморлари европалик ҳамкасабаларини 300 йилга ортда қолдирдилар.

Қурилиш ва кулолчиликнинг ривожланиши меъморий безаклар турларини кенгайтирди. Фигурали қилиб йўнилган пишган ғиштни нақшнома тарзда теришдан ташқари, сопол ўймакорлиги пайдо бўлди. XII асрдан бошлаб эса ҳам гумбазларнинг қопламаси учун, ҳам алоҳида хол-хол тарзидаги сирли сопол нақш сифатида қўлланила бошлайди.

Интерьерларни безашда ганч ўймакорлиги ва нақшли битиклар пайдо бўлди. Меъморчилик безаклари технологиясининг кенгайиши билан нақшнинг мотивлар, геометрик услубийлашган эпиграфик мотивлар ажралмас ҳолда ривожланди.

XI-XII асрлар ҳукмдорлари саройлари композициясида, айнақса, қабулхона-зали тантанавор бўлган бионинг бир-икки қаватини айланиб ўтган ўқлардаги айвонли, кенг ҳовли билан характерлидир. Масалан, Термиз ҳукмдорлари саройида ҳовли орқасида 3 равоқли гумбазли зал жойлашган, аркни тутиб турадиган мустаҳкам қозироқлардаги пештоқ билан ташқи томондан ажратилган, айна пайтда барча девор ва қозироқларни ганч ўймакорлиги ҳамда нақшин тасвирий санъат қоплаган.

Бу даврда шаҳар ва савдо йўлларида кўпдан-кўп карвонсаройлар ёки работлар қад кўтарди. Одатда улар тўрт бурчак ёки тўғри бурчакли иншоотлар, асосан душман ҳужумларидан сақланиш учун қалин деворлар бурчакларида кузатув миноралари ва пештоқли бўлган иншоотлар; ичкарида — йўлаклар, оғилхоналар, яшаш хоналари, меҳмонхона ва унча катта бўлмаган масжид билан ўралган ҳовлилар комплексидан иборат. Бутун араб дунёсида бўлгани каби Марказий Осиёда исломнинг тўлиқ тантанаси мусулмонлар дини биноларини яратиш ва уларни яхши тутиб туришга жуда катта эътибор билан қарашни таъминлади. Масжидларнинг 3 та тури вужудга келди: бош ибодат масжиди жомеъ ёки жума намози учун мўлжалланган умумшаҳар масжиди; шаҳар ташқарисидаги масжид — Қурбон ва Рамазон ҳайитларига мўлжалланган намозгоҳ; ички маҳаллий масжидлар — гузар ёки маҳалла масжидларидир. Масжиди жомеълар одатда ёғоч устунларда турган шийпонлар билан ёки устунлардаги аркли-гумбазли йўлаклар билан ўралган ҳовлига эга бўлган; ҳовлининг бошида дарвоза қаршисидаги гуланом деворида меҳроби бўлган бош бионинг гумбазли айвони осилиб туради.

Бурчакда — бинодан бир оз нарида мусулмонларни намозга чақириш учун минора — мезана бўлган: Марказий Осиё миноралари одатда тепага қараб ингичкалашиб, гумбаз-фонус билан ниҳоя топадиган доира шаклидадир.

IX-X асрда мақбаралар қурилиши алоҳида тараққиёт касб этди. Уларнинг меъморий тимсолий ғояси — исломнинг машҳур арбоблари, қудратли ҳукмдорлар ёки шоҳлар оила аъзоларининг хотирасини абадийлаштиришдан иборатдир. Мақбараларнинг узоқ чидайдиган пишган ғиштдан тикланиши (ҳатто саройлар ҳам синчли, хом ғишт ва гуваладан қурилган бир пайтда) уларга монументал шакл берилиши, манзарали безалишининг сабаби ҳам шундандир. Мақбаралар композициясида пештоқли тик гум-

базлар кўпчиликни ташкил этади; унда нақшли безак билан тўла, П тарзида рамкага олинган кенг аркли пештоқ ҳукмронлик қилади, ундан нарида эса гумбаз билан ёпилган гўрхона жойлашган. Эътиборли мақбаралар яқинида мемориал комплекслар ва ансамбллар вужудга кела бошлади. Ал Ҳаким ат-Термизий ва Султон Саодат мажмуалари бунга мисол бўла олади. X-XII асрлар монументал архитектурасининг ажойиб хусусиятини уста меъморлар математик пропорциялаш қонуниятларини қўллаш орқали тараққий эттирдилар. Сақланиб қолган бинолар таҳлили олд деворлар, ҳажмлар ва ички кенгликлар тузилишининг қатъий геометрик уйғунлиги қоидаларига бўйсундирилганлигидан далолат беради. Бунга модулгаз ва учбурчаклар ёхуд квадрат ва унинг диагоналига асосланган иррационал муносабатларни қўллаш йўли билан эришилган.

Ўрта аср Шарқи фанини оламга ёйган математик билимлар муваффақиятлари меъморчиликда ана шундай амалий ҳолатда қўлланилган. Айни мана шу қонуниятларнинг кенг қўлланилиши юзадаги ва текисликдаги нақш қурилишига ҳам кўчади. Бу давргача ҳам, бундан кейин ҳам ҳеч қачон Марказий Осиёда геометрик нақш — гириҳ шу қадар бой ва хилма-хил бўлмаган.

Эски Термиз ва унинг атрофидаги вайроналар асрлар давомида ўз тарихини сир сақлаб келди. Археолог олимларнинг узоқ йиллар давомида олиб борган қазилма ишлари натижасида бугунги кунга келиб Термиз шаҳрининг тарихи тобора ойдинлашиб, у 2500 йиллик тарихга эга эканлигини кўрсатди.

Термизда археологик қазишмалар натижасида топилган обида ва ашёлардан ташқари ҳозирги кунгача ўз шакл-шамойилини сақлаб қолган меъморчилик ёдгорликлари ҳам борки, улар шаҳар ва вилоятимиз тарихини ўрганишда катта аҳамиятга эгадир. Аммо шунини алоҳида қайд этиб ўтишимиз керакки, тарих саҳифаларида номларигина қолган, археологлар томонидан тўлалигича ўрганилмаган меъморчилик иншоотлари мавжуд эдики, улар асосан 30-йилларда собиқ шўро мафкурасига «ёт бўлган ислом дини масжид-мадрасаларини» йўқ қилиш баҳонасида амалга оширилган бўлса, 50-60-йилларда эса кўриқ ва бўз ерларни ўзлаштириш баҳонасида бузиб ташланди, йўқ қилинди. Аммо ўз халқи тарихини, маданият ўчоқларини бузиб ташлашларига қарши ҳаракатлар натижасида, 1932-1933 йилларда бузиб юборишга қарор қилинган Султон Саодат мақбараси оқсоқоллар-

нинг саъй-ҳаракатлари туфайли сақланиб қолган бўлса-да, аммо Қадимий Термиз Чор устун масжиди, Термиз Минораси, термизшоҳлар саройи ва бошқалар бузиб юборилган, унинг ўрни эса пахтазорга айлантирилган.

Мустақиллигимиз шарофати ила Термиз шаҳрининг 2500 йиллик юбилейи олдидан тарихий обидалар, меъморчилик иншоотлари қайтадан таъмирланмоқда, табиийки, бу шаҳримизнинг кўржиги-кўрк қўшмоқда.

Термизнинг IX-XII асрларга оид меъморчилик иншоотларига тўхталадиган бўлсак, IX асрдан бошлаб шаҳарсозликда пиширилган ғиштдан фойдалана бошланганлигини кўрамиз. Уйлар, сарой, қабул заллари ва масжид-мадрасаларни безашда ислимий ва гириҳ нақшлар жуда кўп ишланган. Меъморчилик иншоотларини барпо этишда мураккаб қурилиш услублари (қуббалар, ёйсимон арklar, гумбазлар, пештоқлар ва кунгурали устун) кенг қўлланилган. IX-XII асрларда қад ростлаган ҳар бир меъморчилик обидаси ёки иншооти ўзига хос тарихга эга.

Ана шундай тарихий иншоотлардан бири, бизгача етиб келмади: бу рус мустамлакачилари томонидан бузиб юборилган. Кўҳна Термиз кўшкенинг жануб томонида жойлашган Чор устун масжиди ва минорасидир. Чор устун масжидга қўйилган маҳаллий номдир. Шакл жиҳатидан масжиднинг диаметри бир метр эканлиги, пишиқ ғишт ва ганч қоринмасидан терилган 9 та устундан иборат бўлганлиги тўғрисида тарихий маълумотлар бор. Бу масжид ва миноралар унча катта бўлмаган, ички ўлчами бўйича 10x10 метр эди. Унинг сатҳини 9 та гумбаз ёпиб турган. Масжиднинг икки ён томонида девор ва қолган икки томони очиқ бўлган. Қурилган вақтида унинг пойдевори тупроқдан бўлган. XI асрдаги таъмирлашлардан кейин устки қисми ғишт билан қоплаб қўйилган. Меҳроб жануби-ғарбий девор марказида бўлиб, чуқур нағал шаклида қат-қат бурмаланган мато билан жиҳозланган токча бўлган.

Араб сайёҳи ал Мақсидий X аср ўрталарида Чор устун ҳақида ёзар экан: «Намозгоҳ масжиди Термиз работининг ўртасидадир», дейди.

Ўрта аср Намозгоҳ масжидлари ярим очиқ ҳолда бўлиб, уларнинг меҳроби ҳовлига қараттиб урилганлиги кузатилади. Бу ерда йилига икки марта: Рўза ҳайит намози ва Қурбон ҳайит кунлари

шаҳар ва унинг атрофидан келган мусурмонлар намоз ўқишган.

Чор устун намозгоҳининг вайроналари Тошкент-Термиз автомобиль йўлининг Эски Термиз ҳудудининг юқорига кўтарилишидаги чап ёнида, яъни йўлнинг жануби-ғарбидадир. Унинг ёнида қадимги мадраса вайроналари сақланиб қолган.

Чор устун масжиди деворидан шимолроқда жойлашган қадимий Термиз минораси XX аср бошларида ҳам қад кўтариб турарди. Минора кичик ҳажмдаги пишиқ ғиштдан терилган бўлиб, тuzилиши кўп қиррали цилиндр қоясига ўхшаган. Ғиштдаги арабча “куфа” ёзуви масжиднинг 423 ҳижрий йил (1032 милодий)да қурилганлигидан далолат беради.

Эски Термиз минораси Ўрта Осиёдаги минораларнинг энг қадимийси, шу минтақадаги меъморчиликда муҳим звено бўлиб ҳисобланарди. Шакли оддий эди. Кўп асрлардан сўнг Мовароуннаҳр ва Хуросон минораларида мураккаб безаклар вужудга келганлиги маълум. Бироқ нодир ёдгорлик ҳисобланган Термиз минораси XX асрнинг биринчи ярмида ваҳшийларча бузиб ташланди, унинг ғиштлиари янги Термизга ташиб келиниб, иморатлар қурилишига ишлатилди¹.

Термизнинг XI-XIII аср бошларига оид энг ноёб ёдгорликларидан бири Термиз шоҳларининг шаҳар четидаги саройидир. 10 гектардан ортиқ майдонни ишғол қилган бу сарой шаҳарнинг шарқий қисмида, ям-яшил боғлар орасида жойлашган. Тўғри тўртбурчак шаклида бўлган сарой махсус мудофаа девори билан ўралган. Деворлар ташқари томонидан миноралар билан мустаҳкамланган. Хусусан, шимолий деворда 17 минора, шарқий деворда 7 минора қурилган. Деворларда махсус шинаклар ҳам қурилган. Ғарбий деворда иккита дарвоза бўлиб, у пишиқ ва хом ғиштдан терилган. Бундай дарвозалар шарқий ва шимолий деворда ҳам бўлган. Учта катта асосий бино мазкур майдоннинг жанубий қисмида жойлашган. Шу бинолардан фақат биттаси археологлар томонидан ўрганилган, қолганларида фақат текширишлар ўтказилган, холос. Бу биноларнинг асосий қисми кейинги даврларда ерни ўзлаштириш пайтида бузиб ташланган.

Биринчи бор бу ерда археологик қазииш ишлари 1927-1928 йилларда профессор Б.Д.Денике раҳбарлигида Собиқ Шўро ҳукума-

¹ Сафаров Ш. Термиз ва термизийлар, Термиз, «Жайхун», 1993 йил, 26-бет

тининг пойтахти Москвадаги Шарқ маданияти музейининг экспедицияси томонидан олиб борилди. Қазиниш учун улар саройнинг жанубий қисмида жойлашган катта бир бинонинг харобасини танлашди. Чунки мазкур бинонинг айрим жойларида ўйма ганч билан безатилган деворлар кўриниб қолган эди. Ана шу топилма экспедиция аъзоларида бу жой қандайдир маъмурий бино бўлса керак, деган фикрни уйғотди. Шундай қилиб, изланишлар археологларни жуда зўр топилмалар билан хушнуд этди. Топилмалар улар кутгандан ҳам бир неча бор зиёд бўлиб чиқди. Жуда бой жиҳозланган термизшоҳларнинг қабулхонаси топилган эди. Лекин экспедицияга ажратилган маблағнинг камлиги бу бинони тўла очиб ўрганишга имкон бермади. 1936 йилга келиб қазиниш ишларини энди профессор М.Е.Массон раҳбарлигидаги археологик экспедиция олиб борди ва бино тўлалигича очилди.

Қабулхона XI асрда хом ғиштдан қурилган бўлиб, унинг ташқари ва ички деворларининг айрим қисмлари турли нақшли махсус пишиқ ғиштлар билан безатилган. Қабулхона тўғри тўртбурчак шаклида, залнинг узунлиги аса 13,5 метр, эни 11,5 метрга тенг бўлган. Залда ўн битта ғиштдан терилган кунгуралли устун бўлиб, бу устунлар зални уч қисмга бўлиб туради.

Залнинг ўрта қисми арklar билан беркитилган. Шоҳ тахти залнинг тўрида турган. Залга фақат ғарбий деворнинг ўртасида қурилган катта эшик орқали кирилган. Залнинг олд қисмида айвон бўлиб, у устунлар билан безатилган. Айвоннинг поли пишиқ ғиштдан турли геометрик шаклдаги нақшлар билан терилган. Айвонга зинапоярлар орқали кўтарилган. Айвоннинг олдида, очик ҳовли ўртасида ҳовуз бўлган. Қабул залидан 40 метр масофада саройга кириладиган махсус баланд пештоқ қурилган. Ҳовлининг шимолий ва жанубий деворлари бўйлаб айвонлар жойлашган. Бу айвонлар қабул залидагидек безатилмаган. Қабулхона комплексининг узунлиги 10 метр, эни эса 75 метрга тенг. Бу рақамлардан кўриниб турибдики, қабулхона комплекси жуда катта бўлган. Термиз шоҳлари бу билан ўзларининг куч-қудратларини меҳмонларга намойиш қилмоқчи бўлганлар.

XII асрнинг охири XIII аср бошларида қабул зали ва йўлак айвони қайта таъмирланади. Айвоннинг деворлари ўйма ганч ва турли рангларда ишланган расмлар билан безатилган. Зал, устунлар ва айвон ўйма ганч билан тўла суваб чиқилади. Ҳатто залнинг томи ҳам ўйма ганч билан безатилган. Натижада бу зал

шундай гўзал ва сирли қиёфага кирдики, уни ҳатто, ҳозир ҳам таърифлаб бериш қийин. Залнинг ҳар бир девори ўзига хос ўйма нақш билан безатилган. Нақшлар асосан геометрик характерда бўлган. Бу ерда турли шаклдаги фигуралар бир-бирига жуда маҳорат ва дид билан боғланган. Мана шу узвийликда унинг таъсирчанлиги янада опган.

Купгина геометрик нақшлар ўсимлик нақши, яъни барг ва узум шодасига ўхшаш нақшлар билан биргаликда учрайди. Бунда ҳам биз Термиз ганчкорларининг юқори малакали уста эканлигига ишонамиз. Ҳар бир нақш ўзининг мукамаллиги, тиниқ ишланганлиги билан ажралиб туради. Қабулхонага ташриф буюрганларни жанубий деворда тасвирланган фантастик ҳайвонларнинг расми ҳайратга солган. Чунки, бу ғайритабиий ҳайвонларнинг расми жуда маҳорат билан ўйиб ишланган. Шубҳасиз, қабулхонанинг ўйма нақшлари меҳмонларга кучли руҳий таъсир кўрсатган. Бир томондан, қабулхонанинг гўзаллиги, нақшларнинг нафислиги меҳмонга сирли таъсир кўрсатса, иккинчи томондан, фантастик ҳайвонларнинг расми бу сирлиликни янада оширган, таъсирчанлик кучайган. Бунинг устига, қабулхонанинг томида жойлашган турли рангдаги шишалар қўйилган панжара орқали туншаётган ёруғлик залга янада сирлилик бағишлаган.

Қабулхонанинг кўриниши ва ички безаклари, асрлар давомида катта қисми емирилганлигига қарамасдан, ўзининг илк таъсирчанлигини ҳозир ҳам йўқотмаган.

Саройнинг ўйма нақшлари ранг-баранглиги, гўзаллиги, нафислиги ва бадиийлиги билан Марказий Осиёда ҳозирча бизга маълум бўлган ўйма нақшлар орасида ўзига хослиги билан ажралиб туради. Ҳайвонларнинг расми эса жуда ноёбдир. Чунки XIV асргача бўлган Марказий Осиё меъморчилигида ҳайвонларни тасвирлаш одат бўлмаган. Саройни безатган нақшларни кўрган одам Термиз шоҳига эмас, балки бу нақшларни яратган номаълум ганчкорларнинг ўлмас санъатига қойил қолади ва таҳсинлар ўқийди.

Тадқиқотчи Ш.Сафаров ўзининг «Термиз ва термизийлар» китобида бу даврни қуйидагича шарҳлайди: «X — XII асрлар меъморчилигининг диққатга сазовор намуналаридан бўлган Термиз ҳукмдорларининг қароргоҳи 1927-1928 ва 1936-1937 йилларда қазиб ўрганилган пайтда ганч панжара, рангдор ойна, ганчга бўяб ишланган тасвир қолдиқлари, жумладан, қўш отлиқ

тасвири туширилган ва гул безаклари билан шиша медальон топилган. Балки шу топилма подшоҳ пешонасига қадаб қўйиладиган медальон бўлиши ҳам мумкин. Қазилма даврида сарой бир неча марта таъмир этилгани аниқланди.

XII асрда (1129-1130 йилларда) ғазналик Султон Абдул Музаффар Баҳромшоҳ томонидан янги безаклар билан, саройнинг қабул зали эса ганч ўймакорлиги билан безатилган, унга уч қаватли кесма безак терилган, деворларида афсонавий махлуқларнинг суратлари тасвирланган.

Шунингдек, иморат ғиштдан усталик билан, ҳандаса тури асосида чиройли қилиб терилган, таги (поли)га пишик ғишт ётқизилган.

1220 йида Чингизхон қўшинлари Термизни қамал қилишди. Термизликлар қаттиқ қаршилик кўрсатганликлари боис бошқа кўпгина иморатлар қатори обдан таъмирланаётган сарой ҳам мўғул босқинчилари томонидан вайрон қилинди. Архелогик қазишмалар даврида топилган қурилиш ашёлари; бўёқ, ганч идишлари қолдиқлари бунга исбот бўла олади. Бу Термизшоҳ саройи учинчи давр қурилиши бўлиб, у ҳозирги Тошкент-Термиз автомобиль йўли катта Ўзбек трактининг Эски Термиз ҳудуди шимоли-шарқий томонида жойлашган. Ҳозирги кунда бу жойлар пахтазорга айлантирилган»¹.

IX-XII асрларда Термиз янада кенгайди, гуллаб-яшнади. У йирик маъмурий, савдо, ҳунармандчилик марказига айланади, суғориладиган ерлардан унумли фойдаланилади. Аста секин деҳқонлар меҳнатидан фойдаланадиган йирик ер эгаси — мулкдорлар синфи шакллана борди.

809 йилда араблар ҳукмронлигига қарши Рофе ибн Лайс қўзғолонини бостиришда ёрдам берганлиги учун Бағдод халифалиги томонидан йирик ер эгаси Абдуллоҳ Сомонхудоғнинг неваралари (Асад ибн Абдуллоҳнинг ўғиллари)га Мовароуннаҳрнинг энг муҳим вилоятларини идора қилиш ҳуқуқи берилган эди. Улар Амударёнинг ўнг соҳилидаги Чағанруд (Сурхондарё)дан Талитоғора бош сув иншооти орқали Кушон — Термиз (Қоратепа) томон йўналтирилган каналнинг бошланиш қисмидаги серунум ерларни қўлга киритишга муяссар бўлдилар.

¹ Сафаров Ш. Термиз ва термизийлар, Термиз, «Жайхун», 1993 йил, 27-бст.

Асад Сомон томонидан бу ерда боғлар барпо этилади, қароргоҳ қурилади. Қирққиз мақбараси ҳам шу даврда қурилади. Рус тадқиқотчиси А.А.Семеновнинг таъкидлашича, бу шаҳарга сомонийлар сулоласининг бошлиғи Асад Сомон асос солганлиги учун шаҳри Сомон деб аталадиган бўлди.

Аммо XIII асрнинг бошида Чингизхон келтирган талофатдан сўнг Шаҳри Сомон қад кўтармади, фақат ундан Қирққиз қалъаси вайроналаригина бизнинг даврнимизгача етиб келган. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, машҳур археолог-олима академик Г.А.Пугаченкова «бу ерларни XX асрда ҳам «Шаҳри Сомон» деб юритилар эди», деб айтиб ўтган эди.

Қирққиз қалъаси ўрта аср Термиз деворидан ташқарида, унинг шимоли-шарқида XIX асргача «Шаҳри Сомон» деган жойда, IX асрда қурилган. Сарой туридаги бу қадимий, йирик феодал кўрғони катта мулк эгасининг қароргоҳи бўлган.

Бино тархи тўртбурчак (54x54 метр) шаклида бўлиб, ўртасида тўртбурчак (11,5x11,5 метр) кўринишдаги ҳовлиси ва унинг 50 га яқин умумий хоналари бўлган. Бинога равоқ айвонли дарвозалардан кирилган. Ҳовли ўртасида ҳашаматли гумбазли айвони бўлган. Тўрт дарвозадан келган йўлаклар ана шу айвонда хочсимон ҳолатда кесишади. Шулардан иккитасининг (шимоли-ғарбий ва шимоли-шарқий қисми) тархи симметрик шаклда. Бинонинг қолган икки қисми бир-бирига ўхшамайди, улар ҳар хил шакл ва ўлчамларда, жануби-шарқий қисмида катта тўртбурчак хонаси бўлган. Иморат тўрт бўлимдан иборат бўлиб, ҳар бўлимида икки қаватли тўғри бурчакли хоналари ва даҳлизлари, ўртада меҳмонхонаси бўлган. Ҳар бино олдида айвон ва бурчакларида 4 та минора бинони безаб турган. Бинонинг умумий баландлиги бир хил. Хоналарнинг тепаси, асосан равоқлар (гумбазли) билан айрим хоналарнинг тепалари куббалар ёрдамида беркитилган.

Иморат, асосан хом (30x30x5,4 см) гиштдан терилган бўлиб, усти лой сувоқ қилинган, наққошлик ва меъморчилик услубида безалган, сарғиш рангли бўлган. Бинонинг ички қисмига эса безак берилмаган. Шунингдек, иморатнинг олд томондаги девори нақшсиз, силлиқ қилиб ишланган. Шу тариқа иморат моҳирона қурилишида гўзалликка ва ҳашамдорликка эришилган.

Ушбу обида бизгача вайрона ҳолатда етиб келди. Бу обидани таъмирлаш ишлари кечикаётганлигидан, унинг қолдиқлари ҳам нураб кетаётир. Тарихнинг бу ноёб ёдгорлигини XXI аср авлоди-

га етказиш учун Термизнинг 2500 йиллик тўйи арафасида уни батамом қайта таъмирлаш ишлари олиб борилди.

Шаҳарнинг ривожланган ўрта асрлар даврига оид меъморий ёдгорликларидан яна бири бу ал Ҳаким ат-Термизий мақбараси ёки меъморчилик обидаси бўлиб, у XI-XV асрларда эски Термиз қалъасининг ғарби-шимолида барпо этилган иморатлар мажмуасига киради.

Ал Ҳаким ат-Термизий мақбараси термизлик олим, шайх Абдулло Муҳаммад ибн Ҳасан ибн Башир ал Ҳаким Термизий қабри атрофида шаклланган. Бу мақбарани турли даврлар санъати гулдастаси деса ҳам бўлади, чунки унда бир неча аср меъморчилик анъаналари мужассамлашган.

Асрлар давомида Хуросон ва Мовароуннаҳрнинг турли вилоятларидан ўзига зиёратчиларни жалб этиб келган бу мақбара XI аср охиридан бошлаб шаклланди. 1091-1095 йилларда Мовароуннаҳрдаги қорахонийлар сулоласи вакили Аҳмад ибн Ҳизр кўрсатмасига мувофиқ шайх қабри устида мақбара бунёд этилади.

Мақбара деворининг паст томонидан гумбазнинг юза қисмигача жуда мураккаб ўйма ганчли нақшин лавҳаларда безалган. Унда мураккаб ислимий ва гириҳ услубидаги битилган нақшлар куфий ёзувлари билан жонли тарзда чатишиб кетган. Бир неча вақтдан сўнг мақбаранинг шимолий томонидан уч устунли айвон ва меҳробдан иборат ўз ҳовлисига эга бўлган масжид биноси қурилади. Ал Ҳаким ат-Термизий қабри атрофида янги иншоотларни қуриш кейинчалик ҳам давом этган¹.

XIII асрнинг охирлари Термизда мўғул боққинчилари вайронагарчилиги асоратлари тугатилганидан сўнг мажмуа бирмунча кенгайтирилади. Бунинг асосий сабаби ал Ҳаким ат-Термизийнинг шахси ва обрўси дин ҳомийси сифатида янада ошганлигидандир.

XV асрнинг бошларида Амир Темурнинг невараси Халил Султон (1405-1409 йиллар) Термиз устидан ўз ҳукмронлигини ўтказгандан кейин мақбаранинг шимоли-шарқий (унинг деворлари айвонли масжид деворлари билан туташган) қисмида ҳашаматли

¹ Аннасов Т., Шайдуллаев Ш., Сурхондарё тарихидан лавҳалар, Т., А. Қодирий номидаги «Халқ мероси» нашриёти, 1997 йил, 77-бет.

хонақоқ қурдиради. Бу олдинги биноларга нисбатан бошқача кўринишда гавдаланди. Бу дарвешларнинг кичик ётоқхонаси эмас, балки баланд зал бўлиб, тасаввуфчиларнинг фикрлаш хонаси эди.

Амир Темурнинг ўғли Шоҳруҳ замонида ал Ҳаким ат-Термизий мазори устига оқ мраморли ҳашаматли даҳма-сағана ўрнатилади ва мақбара қурилади. Қабр тоши юзасидаги сеҳрли нозик ёзувлар гоётда гўзалдир. Унда ат-Термизийнинг ҳаёти ва фаолияти ҳам тасвирлангандир. Қабр тоши темирлар давридаги тош кесиш, йўниш, ўймакорлик ва нозик безак — меъморчилик санъатидан далолатдир.

Термизнинг X-XII асрлар меъморчилик иншоотлари туркумига Зул-Кифл мақбараси ҳам киради. (Зул-Кифл номи араб тилида Аллоҳнинг қафиллигига эга бўлган шахс маъносини англатади). Қуръони Каримда бу ном Муҳаммад аллайҳиссаломга қадар ўтган пайғамбарлардан бири эканлиги айтилади. Қуръони Каримни шарҳлаган олимларнинг кўпчилиги Зул-Кифлни Ёзигел номи билан боғлайдилар. Бу зот асосан Сурия ва Кичик Осиёда фаолият кўрсатган Айюб пайғамбарнинг ўғли Баширдир. Унинг айтишича, Аллоҳ таоло инсонлар рози бўлиб ўлимини тиламагунича уларнинг жонини асло олмайди. Зул-Кифл номининг Термизда пайдо бўлиши араблар истилоси билан боғлиқ.

Баъзи бир ривоятларга кўра, Зул-Кифл мақбарасида дафн этилган шахс Калифда истиқомат қилган. Муътабар ёшга етиб, ўз умрининг поёнига етаётганини пайқаган бу зот муридларига уни сандиққа солиб Жайхунга қўйиб юборишларини васият қилган. Шогирдлар айна шу йўсинда иш тутганлар, лекин сандиқ дарёнинг оқимиغا қарши томонига қараб сузиб кетади.

Оломон сандиқни Калифдан (Туркменистонга қарашли шаҳарча) ҳозирги Пайғамбар ороли жойлашган ергача кузатиб борган. Бу ерда сандиқнинг қопқоғи очилиб, ундан пир чиқиб, «Аллоҳу таолога шу лозим экан», деб жон берган. Бир вақтнинг ўзида бу жойда орол пайдо бўлиб, пирни муридлари шу ерда дафн этишиб, унинг хоки устидан мақбара бунёд этишган, унинг номи Пайғамбар ороли деб аташган эканлар.

XVII асрнинг таниқли тарихчи ва географ олими Маҳмуд ибн Вали «Бу ерни (Пайғамбар оролини) ҳазрати Ҳизр билан Хўжа ал Ҳаким ат-Термизийнинг учрашув жойи ҳам дейишади», деб таъкидлаб ўтган.

Мавжуд тарихий далилларга кўра, бу мақбарада ҳижрий 279 йилда (милодий 892-893 йиллар оралиғида) вафот этган машҳур лашкарбоши Исҳоқ ибн Кундаж дафн этилгандир. Исҳоқ ибн Кундаж аббосийлар хизматида бўлган турк амирларидан бири бўлиб, бу лашкарбоши халифа Мустаъмид (ҳижрий 256-279, милодий 870-892 йиллар) ва халифа Муътаид (ҳижрий 279-289, милодий 892-903 йиллар) даврида қаҳрамонликлари билан машҳур бўлиб, арабларнинг Масил ва бошқа юртларига томон юришларида иштирок этган.

Қабр атрофидаги иморатларнинг қурилиши XI асрда амалга оширилган. Даставвал қабр ёнида пештоқли гумбазсимон масжид қурилиб, сағана тўғри бурчакли гўрхонага айлантирилган. XII асрда гўрхонанинг ғарбий томонидан гумбазсимон услубда ёпилган ёрдамчи хоналар барпо этилган¹.

X-XVII асрлар давомида қурилган ва ўз таркибига 20 га яқин мақбарани бирлаштирган Султон Саодат мақбаралари тўғрисида фикр юритадиган бўлсак, бу саййидлар — маҳаллий мусулмон руҳонийлари юқори табақаси сулолаларининг дахма-мақбарасидир. Бу бир оилавий мақбаралар ва маросим хоналаридан иборат меъморий мажмуа асрлар давомида ташкил топган бутун иншоотдир.

Ансамблнинг энг қадимийси унинг жануби-ғарбидаги XI асрда қурилган баланд гумбазли айвон пештоқи остидаги гўрлар билан тўла икки мақбарадир. Уларнинг биринчиси ўлчами 10х10 метр, иккинчиси 9х9 метр бўлиб, икковини бирлаштирувчи гумбаз остидаги кенг майдон масжид хизматини бажарган. Унда турли-туман ўйма ғиштлар жуда моҳирона ва турли услубда терилганлиги кишини ҳайратга солади.

Биринчи мақбарада IX асрнинг иккинчи ярмида вафот этган шу атроф-ерларнинг йирик мулк эгаси, обрўли оила бошлиғи ҳисобланган Ҳасан ал-Амир исмли саййиднинг хоки ётибди. Бу мақбара залининг ички томони серҳашам қилиб безатилган. Бу зал ҳар хил шаклдаги ғиштлар билан турли-туман услубда терилган.

Иккинчи зал жиҳози бирмунча оддий. Ҳар иккала мақбара эшиги кунгурадор бўлиб, ҳовлига қаратиб қурилган. Бу услуб эса ансамблнинг кейинчалик ривожланишига режа сифатида хизмат қилди.

¹ Аннасов Т., Шайдуллаев Ш., Сурхондарё тарихидан лавҳалар, Т. А. Қодирий номидаги «Халқ мероси» нашриёти, 1997 йил, 75-76 бетлар.

«Пайгамбар Муҳаммад алайҳиссаломнинг авлодлари қандай қилиб Термизга келиб қолган экан?» деган савол берилиши табиий. Буни қуйидагича таърифлайдилар. Нақл қилинишича, Али ибн Абу Толибнинг Фотимадан бўлган ўғли Ҳусайн сўнгги сосоний шоҳи Яздигарднинг қизига уйланади. Уларнинг ўғиллари Алидан Ҳусайн ул-Асқар, ундан эса Убайдулло дунёга келади. Халифа ал-Мансур даврида (754-775 йиллар) Амир Убайдулло халифа деб эълон қилинади. Унинг ўғли Жаъфар ал-Ҳужжат Мадина ҳоқими бўлган. Термиз саййидлари хонадонининг асосчиси Ҳасан ал-Амир Жаъфар ал-Ҳужжатнинг ўғлидир. Келтирилган шажара мусулмон дуйёсида кенг тарқалган бўлиб, кўплаб манбаларда учрайди.

Ҳасан ал-Амир ўзининг яқинлари билан 850 йилда Самарқандга келади ва у ерда 11 йил яшайди, 865 йилда Балхга кўчиб ўтади. Тахминан, 865 йилда Ҳасан ал-Амир Термизга келди ва шу ерда яшаб қолди. Ҳасан ал-Амир ва унинг яқинлари Моваруннаҳрга келган пайтда сомонийлар сулоласининг юксалиши бошланган эди. Сомонийларнинг келиб чиқиши масаласида ҳозиргача илмий доираларда ягона фикрга келинмаган. Баъзи манбалар сомонийларни Термиз билан боғлайдилар, унга кўра, Сомон қишлоғи ҳозирги Термиз тумани «Намуна» жамоа хўжалиги ҳудудида жойлашган. Термиз саййидларининг шажараси ҳам шу манбалар жумласига кириб, Исмоил Сомонийнинг ҳар йили Термизга келиши тўғрисида хабар беради. Саййид Амир Абдулло Исмоил Сомонийнинг Махсума (ёки Моҳисиймо) исмли қизига уйланади. Уларнинг фарзандларидан бошлаб Термиз саййидлари худованзода лақабини олишган.

Фикримизча, Термиз саййидларининг мақбараси Султон Саодат сомонийлар даврида қурила бошлаган, шунингдек, саййидлар жамоаси ўзининг алоҳида бошлиғига — нақибига ҳам шу даврда эга бўлганлар. Муҳаммад (с.а.в.) авлодлари яшаган ҳар бир ҳудудда уларни бошқариб турадиган алоҳида нақиб бўлган. X асргача барча нақиблар аббосийлардан бўлиб, Алининг авлодлари ҳам уларга бўйсунмишган. Термизда ҳам саййидларнинг нақибни бўлган, унинг вазифасига ҳуқуқий масалаларни ҳал этиш ва нафақаларни тарқатиш кирган. Термиз нақиблари орасида энг машҳури Али ибн Жаъфар ал-Мусавийдир. Мусулмон дунёсининг машҳур олими Абул Фатх

Муҳаммад аш-Шаҳристоний асарлари Термиз нақибига ба-
ғишлангандир ¹.

Шерободдаги Хўжа Исо ота ёки Абу Исо ат-Термизий мақба-
ра-масжиди ўзига хос услубда қурилган. Айвонга ўхшаш узун
тўрт хона меҳробли масжид ва гўрхонадан иборат. Бу мақбара
X-XI асрда қурилган бўлиб, ёнида танаси 35-40 аршин йўна-
лишда, барглари кичрайиб қолган, ўзи эса бир неча асрни
кўрган бир кекса тут дарахти ҳам мавжуд. Оламда ҳеч нарса
эгасиз ёки бесабаб пайдо бўлмаганидек, унинг дунёга келиш
тарихи ҳам тақдирнинг тақозосидир.

Ривоятларга қараганда, Ҳиндистон сафарига кетаётган под-
шоҳи аъзамнинг йўли шу жойдан тўғри келиб қолган. Муҳаммад
алайҳиссаломнинг муборак ҳадисларини ривоят қилган улуг зот-
нинг қабри оддий бир аҳволда оёқ остида ётиши подшоҳга ранжи
маълол келиб, уни мақбарага олишга ва ёнига бир туп тут кўчати
ўтқазишга амру фармон бердилар. Фармон амалга оширилди.
Мақбара ва тут шу хилда бунёд бўлиб, халқнинг зиёратгоҳ жой-
ига айланган экан.

1990 йилда Исо ат-Термизий таваллудининг 1200 йиллиги
олдидан мақбара қайта таъмирланди. Ҳозирги кунда бу ер жуда
кўркем, файзли зиёратгоҳга айлантирилган.

Термиз ва Чағониённинг XI-XII асрлар меъморчилигида энг
кўп тарқалган иншоотлардан бири, марказий хонаси гумбазси-
мон услубда бунёд этилган мақбаралардир. Шерободнинг Сеплон
қишлоғидаги Отаулло Саид Ваққос, Ангор яқинидаги Хўжа
Рўшнойи, Ангор тумани «Янгиариқ» жамоа хўжалиги ҳудудида-
ги Ўйиқ гумбаз, Туртовуз гумбаз, Сариосиёнинг Телпакчинор қиш-
лоғидаги Оқ остона бобо мақбаралари шулар туркумидандир. Ана
шулардан бири Хўжа Рўшнойи мақбарасига алоҳида тўхталамиз.
Ваганимиз меъморчилиги тарихидан маълумки, X-XII асрлар меъ-
морчилигида энг кўп тарқалган иншоотлардан бири марказий ҳав-
заси гумбазсимон услубда бунёд этилган мақбаралардир. Хўжа
Рўшнойи мақбараси XI асрда бунёд этилган. Ёдгорлик Термиз —
Ангор йўлидан унча узоқ бўлмаган ерда жойлашган. Обида бир
хонали мақбарадан иборат. Бинонинг пастки қисми унчалик тўғри

¹ Жалолiddин Мирзо, Термиз сайидлари, «Сурхон тонги» газетаси, 1995
йил 17 ноябр.

бўлмаган тўғри тўртбурчакдан иборат, эшиги шарққа қараган. Унчалик катта бўлмаган, аммо чуқур пештоқ ярим гумбаз билан яқунланувчи арк билан беркитилган. Гумбаз эса саккиз қиррали арк қошоналари узра турибди. Мақбара 26x26x5 сантиметрли хом ғиштдан терилган. Залнинг кенглиги томонлари билан қўшиб ҳисоблаганда 6 метрча келади. Ёдгорликнинг гумбаз қисми пишган ғиштдан қайта ишланган.

Жарқўрғон тумани Алишер Навоий номли ширкат хўжалигида қад кўтариб турган «Жарқўрғон минораси»нинг XII аср бошларида қурилганлигидан дарак берувчи маълумотлар бор. Бу минора 1108-1109 йиллар оралигида қурилган. Меъморларнинг таъкидлашларича, миноранинг умумий баландлиги 50 метрга яқин бўлган. Ҳозир унинг сақланган қисми 21,6 метр келади. Жарқўрғон минораси Мовароуннаҳрнинг бу турдаги обидалари орасида ўзининг қурилиш услуби билан кескин фарқ қилади. Бу минора танаси ўн олтита кунгурали устунлар шаклида ишланган бўлиб, минора асосига тушган сари кунгуралар гўё ёрилиб кетгандай туюлади. Юқорига қараб кунгуралар куфий услубда битилган эпитафик ҳошия билан жипслашган. Ҳошия ва равоқ миноранинг иккинчи қисмини қуришда асос вазифасини ўтаган. Жарқўрғон минорасида оддий ғишт, равоқлар ва эпитафик ҳошиялар жуда моҳирлик билан қўлланилган.

Минора асоси (фундаменти) баланд саккиз қиррали курсига ўрнатилган. Ҳар бир қирранинг марказида равоқли тахмонлар ишланган. Ана шундай тахмонлардан бирида жойлашган эпик орқали минора ички қисмидаги айланма зинага чиқилади. Барча миноралар каби Жарқўрғон минораси ҳам гумбазсимон муазинхона билан яқунланган. Минорада сақланиб қолган ёзувлар бу иншоот Хуросон ҳукмдори Султон Санжар буйруғи билан сарахслик уста Али ибн Муҳаммад бошчилигида барпо бўлганлигидан далолат беради.

Шу тариқа, IX-XII асрларда шаҳарсозлик, меъморчилик тез суръатларда ривож топди, тараққий этди.

¹Каримов Ш., Шамсутдинов Р. Ваган тарихи, Тошкент, «Ўқитувчи», 1997 йил, 91-бет.

«БУЮК ИПАК ЙЎЛИ» ЧОРРАҲАСИДАГИ ШАҲАР

Ватанимиз халқлари тарихида «Буюк ипак йўли» катта аҳамиятга эгадир. Қадим-қадим замонлар тарихига кўз ташлар эканмиз, жамият тараққиётининг бронза давридан ҳам илгари ҳудудлараро боғловчи восита сифатида ўзига хос ихтисослашган йўллар пайдо бўлганлигини кўрамиз. Тарихда милоддан аввалги VI-IV асрларда Эрон аҳмонийлари салтанати даврида унинг ҳудуди бўйлаб «шоҳ йўли» ўтган. Ундан ҳам илгарироқ Ўрта ва Яқин Шарқда Бадахшон лазуритига бўлган эҳтиёж «лазурит йўли»нинг вужудга келишига сабаб бўлган. Бадахшон лазуритлари Мессопатамия ва Миср подшоҳлари саройлари, ибодатхоналари, шуниндек, аёлларнинг турли тақинчоқ ва зеб-зийнатларини безашда кенг кўламда қўлланилган. Ғарб билан Шарқни бир неча минг йиллар давомида бир-бирига боғлаб келган ана шундай қадимги йўллардан бири - «Буюк ипак йўли»дир. Бу атама «Буюк ипак йўли» номи билан XIX асрнинг 70-йилларидан бошлаб расман немис олими Фердинанд фон Рихтгофен томонидан фанга киритилди. Унга қадар бу йўл «Ғарбий меридионал йўл» деб аталар эди¹.

Ватандошимиз, академик А.Асқаровнинг тўплаган маълумотларига қараганда, «Буюк ипак йўли» Хитойнинг қадимги маркази Сиандан бошланиб, Ланджау орқали Дунхуанга келади. Бу ерда у иккига ажралади. Ипак йўлининг жануби-ғарбий тармоғи Такламакон саҳроси орқали Хўтанга, ундан Ёркентга келиб, Помир тоғининг даралари орқали Ваҳонга, ундан Бақтриянинг бош шаҳри Зармасп (Балх)га келган. Балхда йўл яна уч тармоққа ажралади, ғарбий тармоғи Марвга, жанубий тармоғи Ҳиндистонга, шимолий тармоғи² Термиз орқали Дарбанд, Наутак, Самарқандга қараб кетади.

Тадқиқотчи, марҳум Шониёз Сафаров ҳам ўзининг «Термиз ва термизийлар» китобида ана шу фикрга асосланиб, «Буюк ипак йўли» Термиз шаҳрини шимоли-ғарбдан, яъни Сўғддан Помир дарвозаси орқали Ҳиндистон-Сўғд-Саройкамар-Қундуз орқали Қашқарга, ғарбдан Балх, Бадахшон-Ҳисори Шодмон, Тьян-Шан

¹ Каримов Ш., Шамсутдинов Р. Ватан тарихи, Тошкент, «Ўқитувчи», 1997 йил, 91-бет.

² Ўша жой, 93-бет.

тоғлари орқали Шарқий Туркистон ва Хитой билан боғлаганлигини, шаҳар ана шу йўллар кесишган жойда барпо этилганлигини таъкидлаб, Термиздан дарё орқали Хоразм билан, юқорида эса Панж билан алоқа ўрнатилган», дейди.

«Буюк ипак йўли» тарихи, тадқиқотчиларнинг фикрича, 4 минг йиллик ўтмишга бориб тақалади. Машҳур олим, археолог, академик Аҳмадали Асқаров томонидан ўрганилган Сополлитепа ва Бўстонсарой (дарё эски ўзани) ёқасидаги Жарқўтон ёдгорлиги бунинг далили ҳисобланади.

Эрамининг I асрларида замонасининг илғор маданиятли давлатлари асосан тўрттага: Ўрта Ер денгизи ҳавзасидаги қадимги Рим, Яқин Шарқдаги Парфия (пойтахти ҳозирги Ашхобод яқинидаги Неса шаҳри бўлган), Хитойдаги Хан империяси ҳамда Ўрта Осиё, шимолий Ҳиндистон, Афғонистон ҳудудларини бириктирган Кушонлар империясига бўлинар эди. Ғарбда Британия оролларида то Тинч океани соҳилларигача чўзилган бу тўртта империя инсоният тарихида биринчи бўлиб, бир йўл — «ипак йўли» билан бириқдилар ва ўзаро иқтисодий маданий алоқа боғлайдилар. «Буюк ипак йўли» Хитойдаги Хан империяси пойтахтидан Кушон ва Парфия давлатлари ҳудуди орқали Ўрта Ер денгизининг шимолий қирғоқларигача чўзилди. Шу даврларда Рим Мисри кўрфазларидан Ғарбий Ҳиндистон портлари — Кушон давлатининг денгиз дарвозаларигача доимий денгиз йўли ҳам очилган эди. Шулар туфайли кўп миңлаб километр узоқ масофадаги давлатлар ўзаро алоқа боғлашга эришдилар. Подшоҳларнинг ўзаро элчилар юборишлари, бир-бирларига ҳар хил совғалар инъом этишлари аста-секин анъанага айланди. Савдо-сотик ривожланди. Шарқ билан Ғарб маданиятининг бир-бирига таъсири кучайди. Ўша даврдаги кўплаб маданий ўхшашликлар ҳам шу туфайли юзага келган десак хато қилмаймиз.

Бу муҳим сиёсий ва маданий ривожланишдан, албатта, Бақтрия (Тохаристон), жумладан, унинг йирик шаҳарларидан бири Термиз ҳам четда қолган эмас. Маълумки, қадимги дунё тарихи ва маданиятида Кушон империясининг ўрни алоҳидадир. Термиз археологик ва меъморчилик ёдгорликлари эса бунинг далилидир. Термиз ва унинг атрофидаги Қоратепа, Фаёзтепа ва бошқа жойлардан топилган ашёвий далиллар, ҳозиргача қад кўтариб турган Зурмула, ал Ҳаким ат-Термизий, Султон Саодат тарихий-меъморий комплекслари - ёдгорликлари Термиз шаҳри ҳам «Буюк ипак йўли»да жойлашганлигидан далолат беради. Биз ўрганаётган давр

IX-XII асрларда ҳам Мовароуннаҳрда ҳукмронлик қилган сомонийлар, қорахонийлар, салжуқийлар, хоразмшоҳлар даврида термизлик сайёҳлар, олиму фузалолар, савдогарлар «Буюк ипак йўли» орқали араб дунёси, Миср, Византия, Қора денгиз бўйи халқлари, Хитой, Ҳиндистон ва бошқа юртларга бориб илму урфон, савдо-иқтисодий ва маданий алоқаларни ўрнатганлар.

Ўрта асрлар даври Термиз ва Чағониёнда «Буюк ипак йўли»нинг бетиним фаолият кўрсатган давридир. Бу жараён баъзида юксакликка, баъзида, (айниқса, Чингизхон бошчилигидаги мўғул қўшинлари ўлка шаҳарларини шафқатсизлик билан босиб олиши оқибатида) юз берган тушкунликлар билан ажралиб туради.

IX аср ва XIII аср бошларида Термиз ва ўлканинг бошқа шаҳарлари ташқи савдода кўплаб маҳсулотларни четга чиқариш ҳамда товар айирбошлаш натижасида четдан олиб келиш бўйича катта шуҳрат қозонган.

Термизнинг туб аҳолиси совун, фата, қайиқ ишлаб чиқаришдан, Жайхун орқали юк ташишдан, Термиздан 5-6 фарсах шимол-ғарбда жойлашган Ҳошимгирд шаҳарчасида етиштириладиган чорва ва жундан, шунингдек, Чағониён буғдойи, ноёб заъфар ўсимлиги, қалин ва палос гиламлари билан ташқи савдодан жуда катта фойда олганлар.

X асрдан бошлаб Термиз Мовароуннаҳрнинг йирик шаҳарларидан бирига айланган. Шу боисдан барча карвон йўллари ёқасида жойлашган манзиллар ўртасидаги оралиқ масофа Термизмисолида ҳисобланган. Араб-форс манбаларида Термиз — «Темир дарвоза» оралиғида Ҳошимгирд, Розик, Работи, Хушвара, Карна, «Темир дарвоза» ёнида Дариоханин каби манзиллар номлари учрайди. Термиз-Чағониён ўртасида Термиздан бир кунлик масофа оралиғида ҳозирги Жарқўрғон атрофида Сарминжон (форсийда Жарминжон), Буш, Жалоир қишлоғи марказида Дарзанги, ундан сўнг Баранги каби мавзелар жойлашган.¹

IX-XIII асрларда Термиз ва Чағониён юртларида ҳунармандчилик жадал ривожланган. Ҳунармандлар устахонаси Термиз ва Чағониён шаҳарлари билан бир қаторда қишлоқларда ҳам бўлган. Далварзинтепа ёнидаги Фармалитепа қишлоқ жойлардаги ана шундай кулолчилар устахоналаридан бири бўлган.

¹ Аннаев Т., Шайдуллаев Ш., Сурхондарё тарихидан лавҳалар, Т., А. Қодирий номидаги «Халқ мероси» нашриёти, 1997 йил, 77-бет.

Термизда кулоллар маҳалласи бир неча гектарни ташкил этган. Бу шаҳарда кулолчи усталар маҳалласи билан бир қаторда темирчилар маҳалласи, шишасозлар маҳалласи ҳам бўлган.

Пахтачилик асосида тўқимачилик тараққий этган. Чағониённинг Дарзанги қишлоғи тўқимачилик саноатининг маркази ҳисобланган. Бу ердан ташқи бозорга ип, ип калава, пахта ёғи, ҳар хил тўқима матолар ишлаб чиқарилган.

Ўлкадаги темирчилик ривожига Бойсунтоғ ва Кўҳитанг тоғларидаги конларнинг жадал суръатда ўзлаштирилиши ҳам катта таъсир кўрсатган, яъни Хасрдан бошлаб Бойсунтоғнинг жанубий ёнбағридаги Тўда, Хўжа Кашкарон, Алами, Хомкондаги Чўянли, Кўҳитангдаги Кампиртепа (Конипур) атрофида конларнинг йирик-йирик устахоналари ва маҳаллалари пайдо бўлган.

Темирчи усталар меҳнат қуроллари, уй-рўзғор буюмлари билан бир қаторда антиқа шамдонлар, сурмадонлар, қошгергичлар ва кўзгулар ясаганлар. Улар бу буюмларни ички ва ташқи бозорга олиб чиқиб сотганлар. Бундай темирчи-усталар Термиз шаҳар работининг Амударёга яқин жойдаги маҳаллалари бўлиб, улар ҳам ўзлари ясаган меҳнат қуроллари, уй-рўзғор буюмлари, ҳарбий қурол-аслаҳалар, от-улов анжомлари ва бошқаларни ички ва ташқи бозорга чиқариб сотганлар.

Термизлик ва чағониёнлик усталар темир буюмларни қўйма ва болғалаш услубида ясаганлар. Мисгар усталар эса буюмларга безак беришда ўйма ва чизма нақш усулларида кенг фойдаланганлар.

Будрач шаҳарчасини қазиб вақтида топилган металл идишлар хазинаси ўлкада мисгарликнинг жадал тараққиётидан далолат беради. XI асрга оид умумий оғирлиги 300 килограммга яқин бу хазина турли-туман идишлардан, жумладан, катта-катта қозонлар, ҳовонча, шамдон, кўзалардан иборат.

IX-XII асрлар давомида ўлка ҳунармандлари кўк, ҳаво ранг шишадан қадаҳлар, банкасимон, бутилкасимон идишлар, кимёгарлар фойдаланадиган колбалар, графинлар ва пардоз-андоз буюмларини жуда моҳирлик билан ясаганлар. Айниқса, термизшоҳлар саройидан топилган шиша тақинчоқлар ўзининг бетакрор жилоси билан ажралиб туради. Тақинчоқларга бадавлат чавандознинг ов қуши билан ёки овчи аёлнинг отнинг рўпарасида ов қушини қўлида ушлаб турган ҳолатлари тасвирланган. Яна бир тақинчоқда елдек учиб бораётган жайрон атрофида «султонларнинг султони Абул Музаффар Баҳром шоҳга» деб араб тилида битилган ёзув сақланиб қолган.

IX асрдан бошлаб Термиз ва Чағониёнда ҳам сирланган идишлар ясаш мукаммал ўзлаштирилган. Бу даврнинг сопол идишлари, хусусан, лаган, коса, тақсимча, кўзалар яшил, жигарранг ва сарғиш сирларга бўялган. Бир тур идишлар эса оқ рангга бўялиб, устидан куфий услубида битилган қора ва жигарранг ёзувлар билан безатилган. Идишларнинг бир қисми махсус қолипларда ясалган.

XI-XII асрларда идишларнинг турлари яна бойиб, турфа рангли бўёқларга безалиб, нақшлари устидан ялтироқ сир билан қопланади.

Термизлик кулоллар ўрта асрларда симоб кўзалар ясашда ҳам машҳур бўлганлар. Улар ясаган симоб кўзалар нафақат Мовароуннаҳр бозорларида, балки Хоразм, Хуросон, Ироқи ажам, Ҳиндистон бозорларида ҳам сотилган.

Шу даврда Термизда ҳунармандчиликнинг бошқа соҳалари ҳам тараққий этган. Бу борада кемасозлик, совун тайёрлаш соҳаларини қайд этиш мумкин. Шаҳарда тайёрланган катта-кичик кемалар Амударё бўйида жойлашган шаҳарлар ўртасида қатнаб турган. Манбаларда қайд этилишича, Термиз Амударё ўзанидаги энг йирик порт шаҳри ҳисобланган. Термиз кемасозлари йирик шоҳона кемалар ҳам ясаганлар. Бу кемаларда Термизга келган шоҳлар, султонлар дарёда сузиб ҳордиқ чиқаришган.

Термизда совун тайёрлаш ҳам кенг йўлга қўйилган. Бунинг учун Термизда барча хом ашёлар мавжуд бўлган. Бу ерда тайёрланган совунларга узоқ ўлкаларда ҳам эҳтиёж катта бўлган. Термизда ҳунармандчиликнинг ривожланиши, савдо-сотиқнинг кучайиши шаҳарнинг юксалишига жуда катта таъсир кўрсатди. Аҳолининг кўпайиши туфайли шаҳар ҳудуди кенгайди. Кўшлаб маъмурий бинолар, мадраса ва масжидлар, карвонсарой ва ҳаммомлар қурилиб фойдаланишга топширилди. Бу даврда шаҳар маъмурияти Термизни ободонлаштиришга катта эътибор қаратди. Шаҳарни сув билан таъминлайдиган янги иншоотлар, ҳовузлар, ташландиқ сувларга мўлжалланган иншоотлар, қудуқлар қазилди. Шаҳар кўчаларининг кўп қисми пишиқ гишт билан териб чиқилган эди.

Шундай қилиб, «Буюк ипак йўли»да жойлашган Термиз шаҳрида санъат, қишлоқ хўжалиги, савдо-сотиқ, тўқимачилик, ҳунармандчилик соҳалари тараққий топди, шунингдек, ўз маҳаллий маҳсулотлари билан ички ва ташқи бозорни таъмин этишга муваффақ бўлинган.



Олтин узук



*Шер боши тасвиридаги
отишкада қисми*




Ховонча



*Суюқдан ясалган
шахмат донаси*



Бедрачдан топилган шиша буюмлар



Кампиртепа кўзгулари



Деворий расмлар



Ботхисотва (будда) боши



Буйин тақинчоги



Будданинг тош барельефи



Ҳаким Термизий мақбараси



II-БОБ

IX-XII АСРЛАРДА ТЕРМИЗДА ИЖТИМОЙИ-ИҚТИСОДИЙ ВА МАДАНИЙ ҲАЁТ

Адабиёт, санъат, фан ва ислом дини тадқиқоти

Тарихда ҳар бир жамият ўз маданияти, санъати ва адабиёти-ни ўзи яратади. Яратилган бу маданий бойликлар ижтимоий ҳаётнинг бир босқичидан иккинчисига мерос бўлиб ўтаверади. Ўтмиш маданияти, санъат ва адабиётида шундай буюк намуналари борки, улар завол билмас ёдгорликлар сифатида бир қанча асрлардан буён авлодларга манзур бўлиб келмоқда. Сомонийлар, ғазнавийлар, қорахонийлар, салжуқийлар ва хоразмшоҳлар даври деб аталган IX-XII асрларни Марказий Осиё халқлари фани ва адабиётида «Уйғониш даври» десак тўғри бўлади.

Шу даврда Ғазна, Бухоро, Самарқанд, Термиз, Марв, Нишопур, Урганч каби йирик шаҳарлар илм марказлари, маданият ўчоқларига айланган эди. Чунки VIII асрдан бошлаб Марказий Осиё халқлари орасида ислом динининг ёйилиши араб тилининг давлат илм-фан ва маданият тилига айланиши учун замин яратди. Ислом динини қабул қилиб, араб тилини ўзлаштира бошлаган маҳаллий халқ, жаҳон илм-фани, маданияти ва санъатидан баҳраманд бўлибгина қолмасдан, билимли, зукко фарзандларини шу асосда тарбиялаб етиштирдилар. Бу зукко, билимдон фарзандлар дастлабки илм сирларини Бухоро, Самарқанд, Термиз, Марв ва Урганч каби шаҳарларда олишарди, кейинчалик илм излаб мусулмон оламининг йирик шаҳарлари бўлмиш Макка, Мадина, Басра ва Бағдод каби шаҳарларга бориб ўз билим ва эътиқодларини юксалтириб, бутун оламга машҳур бўлганликлари маълум. Бугунги кунда улар ҳурмат ва эҳтиром билан тилга олинади.

Айни чоғда араб халифалигининг йирик шаҳарларидан ҳам катта-катта маърифатпарвар олимлар Марказий Осиё шаҳарларига келиб, мадрасаларда таҳсил берар, шогирдлар етиштириб эл-улуснинг ҳурматига сазовор бўлар эдилар. Барчамизга маълумки, тарихда «Маъмун академияси» деган антиқа ибора қўлланаиб келади. Бағдод халифаси Маъмун саройида «Байтул ҳикма» (Билимлар уйи) ташкил этилган бўлиб, унда илм-фаннинг илғор намоёндалари жамулжам эдилар. Улар қаторида ватандошларимиз Аббос ибн Саид Жавҳарий, Аҳмад Фарғоний, Аҳмад ибн

Абдулло Марвазий кабилар иш олиб бориб, адабиёт, риёзиёт, фалакиёт, табобат, ғазалиёт, жавоҳирот, тафсир, фалсафа, ҳикмат, мантиқ, тил, тарих ва айниқса фикҳ (Ислом қонуншунослиги) фанлари ривожланди.

Тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, Термиз шаҳри ҳам кўп асрлар давомида Самарқанд, Бухоро, Урганч, Марв каби фан ва маданияти тараққий этган марказлардан ҳисобланган. Фалсафа, фикҳ, ҳадис, тасаввуф ҳамда аниқ фанлар бўйича кўплаб маърифатпарвар олимларнинг ёзиб қолдиришларича, Термизнинг маданий ва маърифий даражаси юксак бўлган.

Термизлик оналар тарбиясини олган фарзандлар шоҳ, ҳоким, уламо, шайх, олим, мусаввир, наққош, заргар, ҳайкалтарош, бинокор, ҳофиз, уста, косиб, ҳунарманд, муҳандис, элчи, сайёҳ бўлиб етишдилар. Улар ўз шаҳри шуҳратига шуҳрат қўшиб, «Термизий» тахаллусида ижод қилганлар.

Маърифатпарвар кишиларнинг кўплари ўз билимлари камолоти учун ўзга шаҳарларга бориб ижод қилдилар. Анъанага кўра, бошқа шаҳардан келиб илм олаётган, ижод қилаётган олим, шоир, шайх, ҳаттот, мусаввир ва бошқалар ўз исми-шарифи охирига шаҳарлари номини қўшиб битар эдилар. Шу туфайли термизийларнинг бутун бир атоқли арбоблари гуруҳи вужудга келди. IX-XII асрларда Термизда яшаб ижод этган зукко олиму фузалолар, шоиру ёзувчилар қаторида қуйидаги алломаларни айтиб ўтиш мумкин:

1. Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Али ибн Ҳусайн ибн Башир ал Ҳаким ат-Термизий. 820-932 йилларда яшаган. Йирик ҳадисшунос, файласуф, тарихчи, астроном олим.

2. Ислом ал Ҳофиз Абу Исо Муҳаммад ибн Исо ибн Савра ибн Мусо ибн Заҳҳок ас-Суломий ат-Термизий. 825-892 йилларда яшаган йирик ҳадисшунос олим.

3. Муҳаммад Абу Бакр Варроқ ибн Умар Ҳаким Термизий. Шайхулислом унвонига эга бўлган машҳур шайх.

4. Ҳопими Суғдий — йирик шайх, Абу Бакр Варроқнинг шогирди.

5. Абу Исмоил Муҳаммад ибн Исмоил Термизий. 893 йилда вафот этган йирик олим.

6. Абу Ҳасан Аҳмад ибн Ҳасан ибн Жунайд Термизий. IX асрда яшаган фикҳ ва ҳадисшунос олим.

7. Муҳаммад Абу Абдулло ибн Аҳмад Жайхуний. 876-942 йилларда яшаган олим.

8. Муҳаммад ибн Ҳомид Термизий.
9. Юсуф Ҳайёт Термизий. X асрда яшаган шоир.
10. Муҳаммад ибн Аҳмад Термизий (Дақиқий) X асрда яшаган шоир.
11. Абдулҳасан Али Мунжиқ Термизий X-XI асрларда яшаган шоир.
12. Жавҳари Заргар Термизий X-XI асрларда яшаган шоир.
13. Абу Бакр Ҳаттот Термизий. X-XI асрларда яшаган шоир, ҳаттот.
14. Қатрон ибн Мансур Ажалий. XI-XII асрда яшаган шоир, олим.
15. Хаббон ибн Муҳаммад Термизий. XI-XII асрларда яшаган машҳур олим.
16. Мавлоно Абул Ҳасан Али Фаррухий. X-XI асрларда яшаган шоир.
17. Абу Бакр Хол Термизий. XI-XII асрларда яшаган шоир.
18. Жамолиддин Жаъфар ибн Ҳусайн Термизий. Машҳур фалакиётчи олим.
19. Адиб Собир Термизий. XI-XII асрларда яшаган машҳур шоир, олим ва давлат арбоби.
20. Абу Музаффар Термизий. XI-XII асрларда яшаган машҳур шайх, тасаввуфчи олим.

Юқорида зикр этилган машҳур шоир ва олимларнинг номлари бизга араб, эрон ва ғарб тарихчиларининг асарлари орқали етиб келган. Улар қолдирган бой маданий мерос замондош олимларимиз томонидан ўрганилган ва ўрганилмоқда.

Ўрта асрларда яшаган кўпгина олимлар илм-фаннинг турли соҳаларига оид дунёвий фанлар билан бирга диний илмлар ривожига ҳам катта эътибор берганлар. Зотан, диний илмлар жамият тараққиётида инсонларнинг камол топиши ва улар дунёқарашининг шаклланишида алоҳида роль ўйнаган. Шу сабабли ҳам ўтмиш олимларнинг ҳаёти ва улар қолдириб кетган буюк мерос — маънавий қадриятларни атрофлича ўрганиш ҳозирги авлод учун ҳам катта тарбиявий аҳамиятга эгадир. Исломий илмларнинг тараққий этишида Марказий Осиёнинг қадимий шаҳарларидан бири сифатида Термиз ҳам катта аҳамият касб этиб, Самарқанд, Шош, Бухоро, Усрушона, Фарғона водийсини, Чин-Мочин, Балх ва бошқа шаҳарлар билан боғловчи шаҳар бўлган.

Араблар бесқиннига қадар мавжуд бўлган юксак цивилизация араб ёзуви ва маданиятининг кенг ёйилиши IX асрда Термизда

ҳам бутун Турон-Мовароуннаҳр юртида бўлгани каби илмий ва диний йўналишларда бир қатор қомусий олимларни юзага чиқарди. Ана шундай зотлардан бири IX асрда яшаб фаолият кўрсатган Абу Абдулло Муҳаммад ибн Ҳасан ибн Башир ал Ҳаким ат-Термизий ҳисобланади. Унинг билан боғлиқ маълумотлар ўрта аср алломаларининг асарларида ҳам учрайди. Шайх Фаридиддин Аттор ўзининг «Тазкиратул-авлиё» асарида ал Ҳаким ат-Термизийни мусулмон шарқи дунёсига доврўқ солган 96 шайхнинг бири сифатида кўрсатиб ўтадилар.

Алишер Навоийнинг «Насойимул муҳаббат» (1496 йил) асарида термизлик илоҳиёт илми намоёндаларидан Муҳаммад бинни Али Ҳаким Термизий (820-935 йиллар), Абу Бақр Варроқ Термизий (вафоти 907йил), Муҳаммад ибни Ҳомид Термизий (IX-X асрлар), Юсуф Ҳайёт Термизий (IX-X асрлар), Абу Наср Муҳаммад Термизий (IX-X асрлар), Абул Музаффар Термизий (X аср), қисман Исо Термизий (824-892 йиллар) ҳақида қимматли маълумотлар учрайди¹. Термизда IX-X асрлар илми илоҳиёт бобида шаклланган мактаб бўлиб, ушбу мактабнинг сардафтари Ҳаким Термизий эди. Алишер Навоий аллома Ҳаким Термизий хусусида: «..Машойихи кибординдир... ва кўп ҳадиси бор ва зоҳир каромати ва тасонифи фаъа бор»² дейди. Алишер Навоий ул зоти олийнинг тафсир бита бошлагани, ушбу тафсир тугамай қолганини ҳам айтади. Ҳаким Термизий нафақат диний (ботиний-ички), балки дунёвий (зоҳир-ташқи) илмга оид китоблар ҳам ёзган экан.

Алишер Навоий ул зотнинг Абу Турон Нахшабий, Аҳмад Ҳизравия ва Ибни Жало каби устодларидан таълим олгани, улар билан илмий баҳсу мунозара қилгани ҳамда Ҳаким Термизийнинг муборак қадамлари ила сайқал топган «Ҳаймул вилоя», «Наҳаж», «Наводирул усул»дек китобларини эслатади. Ҳаким Термизийнинг Ҳизр алайҳиссалом ила суҳбат қургани воқеалари ҳам Навоийнинг назаридан четда қолмайди. Алишер Навоийнинг гувоҳлик беришича, «Кушфул мажхуб» («Сирлар кашфиёти») асари муаллифи Жуллоб Ҳажвирий шайх Ҳаким Термизий васфида ниҳоят мақтову олқишлар айтган экан. «Кушфул маж-

¹ Навоий А. Асарлар, 15 томлик, 15-том, Тошкент, «Бадий адабиёт», 1968 йил, 248-бет.

² Ўша жой, 86-87-бетлар.

хуб»да битилишича, Ҳажвирий авлиё Ҳаким Термизийни пир деб билар ва у кишини беназир инсон, дея таърифлар экан. «Насойимул муҳаббат»да келтирилишича, Хожа Баҳовуддин Нақшбанд (1318-1389 йиллар)нинг Ҳаким Термизий тариқатларига — ҳакимияга эътиқодлари баланд бўлиб, Ҳаким Термизийга буюк бир эҳтиром, эъзоз, эътироф изҳор этар эканлар.

Ҳаким Термизий ўз даврининг хожа (чориёрлар авлоди), Ҳаким, муҳаддис, ориф (худошунос), ҳофиз (қуръонхон), зоҳид (сўфийлик тарғиботчиси), имом (диний пешво, ҳазрат Али авлодлари), шайх (муршид, фикҳшунос), авлиё (вали, Оллоҳга яқин киши), саййид (Муҳаммад авлодларининг фахрий унвони), ал-муаззин (азонхон, сўфи ҳам дейилади) унвонларига эга бўлган. Ул зоти олийларининг оромгоҳлари пештоқида битилган ушбу сўзлар ҳам буни тўқис тасдиқлайди: «Мароқад улшайх улимом улориф улвали Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибни Али ал Ҳаким ат-Термизий». Ҳаким Термизий оромгоҳлари айни маҳалда муқаддас саждагоҳ тарзида машҳур бўлиб, ўз замонида қутлуғ ибодатхона вазифасини бажарган. Ушбу масжидда икки ракаат дуои фотиҳани бажо келтириш ўзга жойларда тиловат этилган етти юз ракаатга бемалол тенг келар экан. Хожа ал Ҳаким ат-Термизий яна «Садот ул машойих» нисбалари билан аталиб, эл орасида аксар «ҳаким» унвони билан машҳур бўлган Термизий ўз «Назонрул қуръон» («Қуръонга назар») асарида ҳаким сўзини куйидагича таърифлайди: «Ҳаким — илмнинг ички томони ни тушунувчи демақдир»¹. «Алишер Навоий Ҳаким Термизийнинг кунялари Абу Абдуллоҳ, исми Абу Муҳаммад ва оталарининг исми шарифлари Али эканлиги хусусида ҳам шаҳодат беради»².

Шунингдек, Шайх Фаридиддин Аттор ҳам ат-Термизий ҳақида гапириб: «Шайхул-ислом, ул-авлиё суннада бенуқсон, миллатнинг улуғи, олимларнинг пешқадами, покларнинг ягонаси»дир, дейди. Шарқнинг икки буюк даҳосининг юқоридаги таъриф-тавсифлари Ҳаким ат-Термизий ҳазратларининг улуғвор руҳи покидан хабар беради.

¹ Шайх Абдуғани Абдулло. Ал Ҳаким ат-Термизий. «Совет шарқи му- сулмонлари», 1990 йил, №4 14-бет.

² Муртазоев Б. Алишер Навоий термизийлар ҳақида, ТермДУ профес- сор-ўқитувчилар илмий-назарий конференцияси материаллари, Т., «Уни- верситет», 1999, 80-81-бетлар.

Жонажон Ўзбекистонимиз мустақилликка эришгач, ўтмиши-мизга бўлган эътибор янада кучайиб, илгари яшаб, фаолият кўрсатган алломаларимиз ҳақида янги-янги маълумотлар тўпладик ва яна ҳам изланишлар давом этмоқда.

Ватандошимиз ал Ҳақим ат-Термизийнинг фаолияти билан чет эллик олимлар ҳам қизиқиб, ўрганмоқдалар. Унинг инсоният тарихи тараққиётига қўшган илмий салоҳиятини ғарб олимлари ҳам ўрганиб кенг оммага етказмоқда. Ана шундайлардан бири германиялик шарқшунос олим Берна Радткенинг «Ал Ҳақим ат -Термизий IX аср Ислом теологларидан бири» деб номланган асари буюк аждодимиз ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ манбаларни тўлдиради.

1997 йилда Термизда фаолият кўрсатган ўзбек-герман илмий гуруҳининг раҳбари профессор Дитрих Хуфф мазкур асарнинг немис тилидаги фотонусхасини Германиядан келтирди, уни ўзбек тилига ўгиришда эса Термиз Давлат Университети немис тили кафедрасининг ўқитувчилари Р.Хузина ва унинг шогирди А.Соҳибовларнинг хизмати катта бўлди.

Шу ўринда немис шарқшунос олими Б.Радтке ҳақида икки оғиз сўз айтиб ўтишни маъқул деб ўйладик. У исломшунос филолог, 1974 йилда ал Ҳақим ат-Термизий асарлари асосида докторлик диссертациясини ҳимоя қилган. 1974 — 1979 йилларда Германиянинг Байрутдаги Шарқ институтида референт вазифасида ишлаган даврида араб дунёси илмий ва диний марказларида ат-Термизийнинг бир қатор асарларининг асл нусхалари билан танишиш имкониятига эга бўлган.

Немис олими Б.Радтке китобининг биринчи боби «Термизий ҳаёти» деб номланиб, бу қисмда «Ал Ҳақим ат-Термизий ҳаёт йўли» баён этилган. Унинг китобида Ҳақим Термизийнинг «Баднунъмаъну ал Ҳақим» номли асарларидан парчалар ҳам келтирилган бўлиб, алломанинг ҳаёт йўли таърифланган бу асари илк бор араб олими О.Яҳё томонидан ат -Термизийнинг «Китобу илми авлиё» («Авлиёларнинг илмлари ҳақидаги китоб») тўпламининг кириш қисмида нашр этилган. Ҳақим Термизийнинг мазкур ўз таржимаи ҳолига оид асари икки қисмдан иборат бўлиб, асарнинг биринчи қисмида алломанинг ҳаёт йўли, иккинчи қисмида эса у кишининг тушлари баён этилгандир. Ҳақим Термизийнинг тушлари асарда икки шахс, яъни унинг қисматига бутун ҳаёти давомида шерик бўлган умр йўлдоши — рафиқаси ёки бирон-бир шогирдлари томонидан ҳикоя қилинади.

Ҳақим Термизий ўша давр анъанасига кўра, илмини ошириш мақсадида 28 ёшида қибла сафарига отланади. Ҳирот, Нишопур, Балх каби шаҳарларда бўлиб, Шом, Бағдод, Басрада учтўрт йил яшаб, сўнгра Маккаи мукаррама, Мадинаи мунавварани — пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафо (с.а.в.) раъза покларини зиёрат қиладилар (маноқибларда уч марта ҳаж қилганликлари ҳақида хабар бор). Ҳақим Термизий сафар жараёнида кўпгина машҳур олиму аллома, шайх ул-авлиё, муфассири муҳандис ва мутасаввуфлар билан учрашиб, илмий мунозаралар олиб боради. Абу Туроб ал Нахшабий, Аҳмад ибн Ҳизравий каби пирлардан таълим олади. Бу олимнинг тасаввуф илми билан қизиқиб қолишига сабаб бўлади. Ҳақим Термизий, хусусан, Зуннун Мисрий (796-861 йиллар), Боязид Бастомий (вафоти 875 йил), Жунайд Бағдодий (вафоти 910 йил) ва Мансур Ҳаллож (858-922 йиллар) каби тасаввуф илмининг асосчилари, шу соҳада мактаб яратган яқин замондош ва асрдошларининг ижодини, назарияларини кунт билан ўрганди, улардан илҳомланиб, асарлар, жумладан «Хатм ул-авлиё» («Валийлар муҳри») китобини ёзган¹.

Фаридиддин Атторнинг «Тазкират ул-авлиё» асарининг 58-бобида зикр этиладики, Ҳақим Термизий ҳаж сафаридан қайтиб келганларида оналари вафот этган, кулбаларининг эшиклари синиб кетган, қаровсиз қолганлигидан унда бир ит болалаб ётган бўлади. Ҳақим Термизий итга озор бермай, аксинча, болаларини оёққа бостириб чиқиб кетгунча уларга қарашиб турадилар ва ўзлари чодиртикиб, ташқарида яшайдилар.

Тарихий манбаларда Ҳақим Термизий 300 дан ортиқ, баъзи манбаларда эса 400 га яқин асар ёзганлиги, яъни 80 таси тасаввуфга бағишланганлиги, шундан 57 тасигина бизнинг давримизгача етиб келганлиги ҳақида айтилади.

Аммо олимнинг қуйидаги асарлари рўйхатини келтира оламиз:

1. «Баъду шаъни Абу Абдуллоҳ».
2. «Асрор ул-ҳаж» («Ҳаж сирлари»).
3. «Асрор ус-сави» («Рўза сирлари»).
4. «Асрор ус-салот» («Намоз сирлари»).
5. «Баён ул-қасб» («Қасб ва ҳунар баёни»).

¹ Омонгурдиев Ж. Ал Ҳақим ат-Термизий таълимоти, Т., «Университет», 2000 йил, 11-бет.

6. «Жамеъ ул-илм» («Илмлар тўплами»).
7. «Китобу илм ил-авлиё» («Авлиёлар илми ҳақида китоб»).
8. «Китоби адаб ин-нафс» («Шахс одоби ҳақида китоб»).
9. «Иршод ут-толибин» («Толиблар йўриқномаси»).
10. «Китоб ул-фурук» («Фақирлар ҳақида китоб»).
11. «Назари ул-Қуръон».
12. «Наводир ул-усул фи ахбор ар-расул» («Расулulloҳ хабарлари ҳақидаги нодир усуллар»).
13. «Наврўзнома».
14. «Солномаи мўътабари мансураи ҳукамои Ҳиндистоний» ёки «Солнома» («Ҳиндистон ҳақимларининг мўътабар насрий йилномаси»).
15. «Хатм ул-авлиё» («Авлиёлар муҳри»).
16. «Ҳадислар моҳияти».
17. «Жавоб ул-масоил аллати-саалаҳу».
18. «Жавоб ул-китоб мин ар-райъаё».
19. «Сийрат ул-авлиё».
20. «Китоб ул-мужтарин».
21. «Китоб ал-фарқ баёнул-садр вал қалб вал фуъад валлуба».
22. «Китоб ал-акия».
23. «Гавр ул-умр».
24. «Китоб ал-асда ван-нафс».
25. «Китоб сифат ал-қулуб ва аҳвалиҳа ва ҳайъат таркибина».¹

Шу ўринда бир савол туғилади: Марказий Осиёнинг қадимий шаҳарларидан бири Шарқнинг дарвозаси, «Буюк ипак йўли»нинг шоҳ бекати, саййидлар шаҳри бўлган Термизда тасаввуф мактаби, унинг асосчилари бўлганми? Бу саволга иккиланмасдан, ҳақимия тариқати бўлган, асосчиси Ҳақим ат-Термизийдир, деб жавоб берамиз.

Зотан, Ҳақим Термизий илк сўфийлик ҳаракати — зоҳидлик ва орифлик ғоялари кучайган, ислом дунёсининг Макка, Мадина, Миср, Бағдод, Басра, Куфа, Яман, Ҳамадон, Нишопур каби марказий шаҳарларида тасаввуф ғоялари тарқалган, таълимот сифатида шаклланган бир даврда яшади. Олим ана шу давр тасаввуф мактаблари ва уларнинг асосчилари, айна замонда, ўзининг аср-

Омонтурдисев Ж. Ал Ҳақим ат-Термизий таълимоти, Тошкент, «Университет», 2000 йил 16-бст.

дош ва яқин замондоши, эндиликда жаҳон классик (мумтоз) тасаввуф илмининг бобокалонлари бўлиб қолган Зуннун Мисрий (зуннуния тариқатининг асосчиси), Боязид Бастомий (тайфурия тариқатининг асосчиси), Жунайд Бағдодий (жунайдия таълимотининг асосчиси), Мансур Ҳаллож («Анал ҳақ» мактабининг асосчиси) кабиларнинг тариқатини ўрганган, улар билан фикрдош бўлган, мақомату маноқибларини таҳлил қилган. Ҳақим Термизий Нишопурга бориб, анча туриб қолади ва у ерда «Ҳақимия» тариқатига асос солади. Ҳақимиянинг мақоматлари, низомлари, пир ва муридларига қўйиладиган талаблар, зикр ва ибодат усуллари, шайхларнинг яшаш тарзларига бағишлаб битилган «Хатм ул-авлиё» («Валийлар муҳри»), «Иршод ут-толибин» («Толиблар йўриқномаси») каби асарларда мужассам топди. Ул зот Термизга қайтгач, ҳақимиянинг амалий, ташкилий жиҳатига эътибор беради. Жайхуннинг Балх шаҳри ва Пайғамбар ороли кўриниб турадиган энг баланд қирлик, хушманзара ва баҳаво қирғоғидан жой танлаб, масжид ва хонақоҳ қурдиради. Ҳақимия дастлаб зоҳидлар, тартибсиз юрувчи дарвешу қаландарлар йиғини, давраси, ҳалқаси ёки мажлиси тарзида ташкил топган ва мустаҳкамланган, замонасининг мафкуравий кураш даражасига кўтарилган. Ҳаттоки, термизшоҳлар давлатни бошқаришда ҳақимия ғояларига суянганлар. Масалан, подшоҳ Ҳақим Термизийга «Наврўзнама», «Солнома» ёзиб беришни илтимос қилганлиги каби.

Ҳақим Термизийнинг хизматларидан бири шуки, у тасаввуф таълимотини Турон заминиди, Мовароуннаҳр, Балх, Хуросонда биринчи бўлиб ёйди, тасаввуф илмини тўрт босқичи (шариат, тариқат, маърифат, ҳақиқат)ни эътироф этди ва ривожлантирди. Шариатсиз тариқат, тариқатсиз маърифат, маърифатсиз ҳақиқат йўқлиги ҳақида таълим бериб, бу жараёни тасаввуфна тил билан қуйидагича баён этади:

1) Тасаввуфни автодга, унинг босқичларини қутб, нажийб, ғавс ва абдолга ўхшатади. Бунда қутб, нажийб, ғавс, абдол сўзлари ўз асл маъноларида эмас, рамзий (тасаввуф истилоҳи) маънода; доимо инсонни ҳимояловчи, мададкор, Аллоҳга яқин, тоза, пок тўрт нафар зот маъносида; автод эса ана шу тўрт буюк зотни бирлаштириб турувчи мих, қозик, таянч сифатида берилади.

2) Тасаввуф илмини ёнғоққа, унинг босқичларини ёнғоқнинг пўсти, пўчоғи, пўчоқ ичидаги пардаси ва мағзига ўхшатади. Бунда мағиз ёнғоқнинг пўсти, пўчоғи, пардаси олингандан кей-

ин кўрингани каби, ҳақиқатга тасаввуфнинг шарият, тариқат, маърифат босқичлари орқали эришилиши уқтирилади. Шунингдек, шарият, тариқат, ҳақиқат тушунчаларининг узвийлиги, ер, дарахт ва мева муносабатига ҳам нисбат берилади.

Ҳақим ат-Термизий асос солган ҳақимия таълимотида ишланган тасаввуф тариқатининг хуш дар дам, назар бар қадам, хилват дар анжуман, сафар дар ватан мақомлари, тавба, варъа, зуҳл, фақир, сабр, хавф, ражо, таваккул, ризо каби моддалари; пиру муридлик талаблари, зикру сано усуллари асос бўлиб хизмат қилади. Чунки Ҳақим Термизий ҳам ўз даврининг буюк қомусий олими, жумладан, тасаввуф илмини, маънавий рақибларининг қаршиликларига қарамай, бизнинг шарқимизда биринчилардан бўлиб Қуръон ва суннага асосланган ҳолда бидъат ва хурофий фикрлардан тозалаган, янгилаган (ислоҳ қилган), асослаган, фан ва мафкура даражасига кўтарган зотдир. Шу сабабли ҳам бу таълимот кейинги мутасаввифлар томонидан давом эттирилган.

Ҳақим Термизийнинг шогирди Абу Бакр Варроқ дейди: «Ҳар якшанба куни Ҳизр алайҳиссалом Муҳаммад Ҳақим ат-Термизийнинг олдига келарди ва у билан баҳслашарди». Ва яна у шундай нақл қилади: «кунларнинг бирида Муҳаммад Ҳақим ат-Термизий менга деди: Мен бугун сени бир жойга олиб бораман. Мен дедим: Шайхнинг фармони амалдур ва биз жўнадик. Кўп вақт ўтмасдан чексиз машаққатли биёбонни кўрдим. Сахро ўртасида заррин тахт қўйилган эди, ям-яшил дарахт остида чашмаи равон ва бир киши эгнида чиройли либос, тахтда ўтирган эди. Шайх унинг олдига борган заҳотиёқ, у ўрнидан туриб, шайх Ҳақим ат-Термизийни тахтга ўтирғизди. Бир соат ўтгач, ҳар тарафдан одамлар йиғилиб, жами қирқ кишига етди. Осмонга ишора қилувди, таом ҳозир бўлди ва тановул қилишди. Шундан сўнг савол-жавоб бошланди. Шайх савол берарди, у эса жавоб берарди. У киши саволнинг жавобида шунча кўп гапирардики, мен бу гапларнинг бирортасига ҳам тушунмадим. Бу воқеадан сўнг шайх қандайдир дастур олиб қайтди ва менга деди: Боргин, саййид бўлдинг. Вақт етиб, Термизга қайтганимиздан сўнг сўрадим: эй шайх, у қандай жой эди ва ул киши ким эрди? Дедим: У жой Бани Исроил (яҳудийлар Мисрдан чиққандан сўнг, қирқ йил ҳукмронлик қилган чўл (сахро) эди ва ул киши кутб ул-мадара (комилликка эришга инсон) эрди. Сўрадим: Қандай қилиб бир соатда бани Исроил саҳросига етдик? Деди: Ё Абубакр, у ерга қандай

борган-бормаганлигимиз билан ишинг бўлмасин. Нафсни тоатга келтириш керак, деди холос. Нафсни тоатга (етказиш) келтириш учун шунчалик у билан курашдимки, ундан зўр чиқа олмадим, ўзимдан ноумид бўлиб дедим: Худоё, нафсни дўзах учун яратгансан, дўзахни мен нима қилайин. Жайхун қирғоғига бордим. Бир дўстимга айтдим. У менинг қўл-оёғимни боғлаб, ўзи кетди. Мен эмаклаб юриб, ўзимни Жайхунга отдим. Дедим: майли фарқ бўлсам. Сув уриб, қўлимни ечиб юборди ва тўлқин кўтарилиб, мени қирғоққа улоқтирди. Ўзимдан ноумид бўлдим. Дедим: Субҳоноллоҳ, нафсни яратибсанки, на жаннатни ва на дўзахни унга раво кўрасан. Ўша соатда ўзимдан ноумид бўлдим ва унинг баракати билан менинг сирим очилди ва мен ўзимга лозим бўлган нарсани кўрдим ва ўшал соатдан ўзимдан ғойиб бўлдим ва унинг баракати билан тирик қолдим».

Абубақр Варроқ шундай дейди: «Кунларнинг бирида шайх ўз таснифларидан бир қисмини менга берди: «Олиб ўқисам, барча гаплар ҳақиқатдан иборат, сувга ташлашга кўзим қиймади, уйга олиб бориб қўйдим. Шайхнинг ҳузурига келиб: «Ташладим», дедим. Нимани кўрдинг?-деб сўради. Ҳеч нарсани кўрмадим, деб жавоб бердим. Шайх деди: Ташламагансан. Мен ажабландим. Деди: Олиб бориб ташла. Олиб бориб ташладим. Дарҳол кўрдимки, Жайхун иккига бўлиниб, ўртаси очилди ва очиқ сандиқ пайдо бўлди, у бир қисм тасниф (ёзув, китоб) сандиққа тушди. Сандиқнинг оғзи ёпилди ва Жайхун ўз ҳолига қайтди. Мен эса шайхнинг ҳузурига қайтиб келдим, у деди: Энди ташлабсан. Бунинг сирини билишни жуда хоҳладим ва шайхдан сўрадим. Деди: Илмда бир тоифа тасниф қилувдимки, унинг моҳиятини англаш барча ақллиларга мушкул эди ва уни биродарим Ҳизр мендан сўраганди. Сандиқни эса балиқ унинг фармони билан келтирувди. Ҳақ таоло сувга амр этдики, уни Ҳизрга етказсин».

Ҳаким Термизийдан тақво ва олижаноблик борасида сўрашди, у киши жавоб бердилар: Тақво шу нарсаки, қиёматда ҳеч ким сенинг этагингдан тутмайди ва олижаноблик шуки, сен ҳеч кимнинг этагидан тутмайсан ва яна дедики: Азиз шундай кишики, гуноҳ уни хор қилмайди. Озод шундай кишики, хасислик уни асир қилмайдир. Хўжа шундай кишидирким, шайтон уни асир қилмайди. Ва яна деди: Оқил парҳезгирликни Худо учун қилади ва ўз нафси билан ҳисоблашади. Ҳар ким тариқатга тушса, уни гуноҳ аҳли билан шубҳа қилиб бўлмайди. Бандалар Худодан бо-

шқа ҳеч кимдан кўрқмасин. Ва яна деди: Мусулмончиликнинг асли икки нарса: бири эътиқодли бўлиш, иккинчиси, муқаррар хавфни ҳис этиш. Ва яна деди: Йўқотилган нарсага ғам емаслик керак. Кишининг энг ёмон одатларидан бири кибрли бўлиш ва қўлидан келмайдиган ишни бажаришга уриниш. Зероки, зоти бейб (Худо) кибрга лойиқдир. Ихтиёр шундай кишига дуруст бўладики, унинг илмида нуқсон бўлмаса ва яна деди: юзта шайтоннинг сенга келтирган бир соатлик зарарига тўғри келмайди ва юзта шайтон сенинг нафсинг қилган ишни қила олмайди.

Англашиладики, Ҳақим Термизий зикридаги ушбу матн ҳақимия таълимотининг бош масалалари, тариқатнинг кўпгина мақоллари, нақл, ривоят, ҳикоят, суҳбат, савол-жавоб воситалари орқали акс этган бутун бир ибрату ҳикмат китобини эслатади. Масалан, унда аввало нафс (нафси аммора) ҳамма ёмонликлар, гуноҳлар онаси эканлигини, уни (нафсни) жиловламасдан, маҳв этмасдан туриб, солиҳ бирон-бир эзгу мақсадга эришса олмаслиги гоёсини уқиб оламиз. Зотан, тавба гуноҳни, садақа балони, таъбир жоиз бўлса, нафс имонни ейди, руҳни эса емиради, сўндиради.

Ҳақим Термизий Одам ва Ҳаводинг жаннатдан ҳайдалишига аслида нафс сабаб бўлганлиги, нафс билан жаннатда яшаш мумкин эмаслиги, шайтон ерда ҳам Одам ва Ҳаводаги нафсни тарбиялаб кучайтирганлиги, яъни улар Иблиси лаъиннинг ўғли Ханноснинг гўштини (баъзи ривоятда қўй ҳолатидаги гўштини) еганликларини, шу йўл билан шайтон одам наслининг қалбида, қонида яшаб қолганлигини, шу боис инсон шайтоний нафсга қарши курашиб, уни енгмагунча поклана олмаслиги, илоҳга юз тута олмаслиги ёки жаннатга дахл бўлмаслигини кўрсатиб берган.

Шу билан бирга Ҳақим Термизийнинг йигитлик чоғларида бир гўзал аёл боғ ичида жимоъга таклиф қилганида, девор ошиб қочганликлари нақл қилинадики, буни нафс устидан руҳнинг, нопоклик (зино) устидан поклик, ҳаромнинг устидан ҳалолликнинг ғалабаси деб тушунмоқ керак.

Ҳақим Термизийнинг пиру шогирдлик ҳақидаги таълимоти авлодларга намуна бўладиган тарзда ифодаланган. У шогирди Абубакр Варроққа таълим-тарбия беришдан ташқари, уни кўп ҳолларда руҳониятлари жазбаю авлиёлик кароматлари билан ҳам тарбиялаб шайх даражасига кўтарганлар. Ҳақим Термизийнинг Абубакр Варроқни Бани Исроил саҳросига олиб борганликлари, у ерда қутбул мадара билан суҳбатлашганликлари, ундан янги

дастур олиб қайтганликлари устознинг шогирдига бўлган эзгу эъзоз ва эҳтироми сифатида баён этилган. Сафардан қайтишгач, Ҳақим Термизий шогирдининг кўпгина саволларига жавоб берадилар. Бироқ Абубакр Варроқнинг: «Бани Исроилга бир соатда етдик?» деган саволига шайх: «Нафсингни тоатга келтир», деб жавоб беради. Абубакр Варроқ узоқ вақт нафсини тоатга (ибодатга) келтириш учун руҳий қийинчиликларни енгади, умидсизликларга тушади ва ниҳоят ҳолга (валийлик) мартабасига эришади. Бу унинг қўл-оёғи боғланган ҳолда Жайхунга ташланиши, тўлқинлар қўл-оёғини ечиб, қирғоққа чиқариб ташлашида ва ражо мақомига эришишида кўринади.

Бундан ташқари, Ҳақим Термизийнинг ғазаблари чиққанда узлуксиз ибодат қилишлари айтиб ўтилади. Бир куни у опшоқ кийиниб, масжидга бораётганида ахлат сувни устиларига сепиб юборишганда ҳам ғазабларини босганликлари, шунда Ҳизр пайдо бўлиб, бу сафарги келишим ғазабингни босганинг учун дейишлари баён этилганки, беихтёр шайх Ҳақим Термизийнинг ифодасида тариқатнинг сабр мақоми акс этганлигини кўрамиз.

Она-Ватан номини жаҳонга машҳур қиладиган зотлардан яна бири ҳазрати Абу Исо Муҳаммад ат-Термизий ҳам улуғ мутафаккирлар, алломалар сирасига кирадиган ватандошларимиздан биридир.

Исм ва насаблари — Муҳаммад ибн Исо ибн Савра ибн Мусо ибн ал Заҳҳок ас-Сулабий ал Бугий ат-Термизий, куняси эса Абу Исо (яъни Исонинг отаси)дир.

Абу Исо Муҳаммад ат-Термизий ҳижрий 209 йилда (милодий 824-825 йиллар) таваллуд топган. Ҳофиз Аз-Заҳабий «Мийзон-ул-иъти-дол» китобида Термизийнинг ҳижрий 279 йилда вафот этганликларини зикр қилиб, «вафот этган вақтларида етмиш ёшда эдилар», дейди. Аллома Мулла Али ал Қорий ҳазратлари ҳам «Аш-Шамоил» асари шарҳида худди шу гапни айтади.

Имом Термизийнинг туғилган ватанлари бугунги Ўзбекистондир. Ат-Термизий Буғ қишлоғида таваллуд топдиларми ёки Термиз шаҳридами? Ал Бугий деб Буғ қишлоғига нисбат этишлари шу қишлоқда туғилганликлари (туфайли) учунми ёки шу ерда яшаб вафот этганликлари туфайлимн, деган савол пайдо бўлади. Мулла Али ал Қорий ҳазратлари Термизийнинг ўзларидан бундай деганларини нақл этади: «Бобом Лайс ибн Сайёр даврида Марвазда яшар эдилар, кейин Термизга кўчганлар».

Буг — Термизга қарашли бир қишлоқ бўлиб, шаҳардан олти фарсах нарида жойлашган. Термизий шу қишлоқдан бўлиб, Термиз шаҳрига тобе бўлган, яъни шу қишлоққа нисбат берилган бўлиши эҳтимоли кўпроқ.

Имом ат-Термизий 20 ёшга етганларида Хуросон шайхларидан Исҳоқ ибн Рахвайх Марвазий ва бошқалардан илм ўргандилар, сўнг 25-26 ёшларида Ироққа (Басрага) бориб, у ердаги алломалардан дарс олдилар. Ундан сўнг Ҳижозга кетдилар. Лекин манбаларда ул зотнинг Бағдодга, Мисрга ва Шомга борганлари ҳақида хабар келтирилмаган. Бунга ўша вақтда бу юртлардаги нотинчлик сабаб бўлган, деган фикрлар бор.

Кўп йиллик сайёҳатлардан сўнг имом Термизий Термизга 250 ҳижрий (милодий 864) йилдагина қайтиб келдилар. Бунга кўра, тахминан 20 йил давомида ўзга юртларда ҳадисларни ўрганиб, йиғиб юрганлар. Имом Бухорий билан Нишопурда (250 ҳижрий йил) учрашиб, кўп ҳадислар хусусида музокаралар олиб борганлари ҳақида маълумотлар бор. Шундан сўнг «Ал-Жомий-ас-сахих» («Сунани Термизий») китобларини ёза бошлаганлар.

Имом ал Бухорийнинг замондоши ва етук шогирди бўлмиш Абу Исо Муҳаммад Термизийнинг «Сунани Термизий» номи билан машҳур бўлган ҳадислар тўплами бутун дунёдаги «Кутуби ситта», яъни энг машҳур олтита ҳадис китобидан бири эканлиги билан фахрлансак арзийди. Дарҳақиқат, бу асар ёш авлод тарбиясида алоҳида эътиборга лойиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Қаримов ўзининг «Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда» китобида маънавий меросга, аجدодларимиз номига, жумладан, Абу Исо Муҳаммад ат-Термизийга ҳам алоҳида эҳтиром кўрсатиб, шундай дейдилар: «Биз мусулмон дини ҳақида гапирганда, аввало, Оллоҳ ва унинг Расулини, ўзимизга руҳан яқин бўлган улуғ алломаларимиз, улуғ имомларимизни тасаввур қиламиз. Мана шу қутлуғ заминимизда туғилиб вояга етган, муборак номларини бутун Исломи дунёси чексиз эҳтиром билан тилга оладиган имом ал Бухорий, имом ат-Термизий, Хожа Баҳоуддин Нақшбанд, Аҳмад Яссавий, Абдуҳолиқ Гиждувоний, Замахшарий каби пири комилларимизни назарда тутамиз. Маънавий ҳаётимизни мана шу улуғ номлар билан боғлаймиз. Ким бу ҳақиқатни инкор эта олади?..»

Ҳадис илмида имом ал Бухорий ҳазратлари «Саҳих» йўналишига асос солган бўлсалар, имом ат-Термизий «Сунан» йўнали-

ши асосчиларидан бўлиб, дунё халқларига ўз устозларидек ўлмас ёдгорлик қолдирдилар. Имом ат-Термизий ўзидан олдин ўтган имомларнинг кўплари билан кўришганлар ва улар илмидан баҳраманд бўлганлар. Ат-Термизий даври — ҳижрий III аср ҳадис илмларида буюк юксалиш бўлган давр эди. Кутуби ситта — олтинчиги машҳур ҳадис китоби муаллифи бўлган имомлар, яъни олтинчиги улуғ муҳаддис ана шу олтинчиги даврда яшаб камол топдилар. У зотларнинг таваллуди ва вафот этган йиллари қуйидагича:

1. Муҳаммад ибн Исмоил Абу Абдуллоҳ ал Бухорий — ҳижрий 194-256 йиллар.

2. Муслим ибн Ҳажжож ал Кушайрий Абул Ҳусайн — ҳижрий 204-261 йиллар.

3. Абу Исо Муҳаммад ат-Термизий — ҳижрий 209-279 йиллар.

4. Абу Довуд Сулаймон ибн ал Ашъас Ас-Сажистоний — ҳижрий 202-275 йиллар.

5. Аҳмад ибн Шуайб Абу Абдураҳмон Ан-Насоий-ҳижрий 215-303 йиллар.

6. Ибн Можа Муҳаммад ибн Язид ибн Можа Абу Абдуллоҳ — ҳижрий 209-273 йиллар.

Имом ат-Термизий асосан имом ал Бухорийнинг шогирди бўлиб, ижозатлари ўша кишидандур. Ҳадис илмини у зотдан олдилар ва ул зотнинг қўлларида таҳсил кўриб, камол топдилар. У кишида ўқиб, у кишидан баҳра топдилар. Ҳадис илмига тааллуқли баъзи ишларда устоз билан мунозара қилдилар. Устозлар билан қай бир ўринда мувофақат қиладилар. Ўша давр олимларида бу хусусият бор эди. Тақлидни тан олмас эдилар. Тақлиддан қочиш ва ҳар қайда ҳамиша Ҳаққа — ҳақиқатга тобе бўлиш уларнинг одатлари эди.

Улуғ устоз имом Бухорий ўз шогирди имом Термизийни алқаб, камтаринлик билан «Сен мендан баҳра топганингдан кўра, мен сендан кўпроқ баҳра топдим», дейди. Бу имом Термизийга берилган жуда катта баҳо эди.

Ўша давр олимлари имом Термизийнинг бир қанча асарлари борлигини айтиб ўтганлар. Улар қуйидагилардир:

1. «Ал-Жомий-ас-сахих» (Ишонарли тўплам, яъни «Сунани Термизий»).

2. «Аш-Шамоия» (Шамоили Муҳаммадия).

3. «Ал-Хол».

4. «Ат-тарих».

5. «Аз-зуҳд».
6. «Ал-асмоъ ва ал-куно» (Исмлар ва кунъялар).
7. «Китоб Ал-Илол фи-л-ҳадийс» (Иллатлар ва оғишлар китоби).
8. «Рисола фи-л-халаф ва-л-жазал» (Келишмовчилик ва диалектика бўйича тракт).
9. «Китоб ал-осор ал-Мафкура» (Айрим нақллар тўғрисида китоб).

Ибнул-Асийр ўз «Тарих» китобида бундай дейди: «Термизий имом ва ҳофиз эди. Бебаҳо асарлар тортиқ қилди. «Ал-Жомий ул-кабир» («Катта тўплам», яъни «Сунани Термизий») бу асарларнинг энг мукаммалидир.

Ҳофиз Абул-Фасл ал-Мақсидий айтади: «Ҳазрати имом Абу Исмоил ал Ансорийдан эшитдим. У ўз мажлисида, Термизий ва унинг китоби борасида сўз кетганда бундай деди: «Менинг учун унинг (Термизийнинг) китоби Бухорий ва Муслимдан фақат мутахассис олимларгина истифода этади. Термизийдан эса ҳар ким фойдаланиши мумкин».

Имом Термизийнинг ўзлари ўз китоби ҳақида бундай дейдилар: «Ушбу китобни тасниф қилганимдан кейин, уни Ҳижоз, Ироқ ва Хуросон уламоларига тақдим этдим. Улар розилик билдириб қабул қилдилар. Кимнинг уйида бу китобдан бўлса, ўша хонадонда худди Пайғамбар Саллаллоҳу алайҳи васаллам гапираётгандек бўлур»¹.

Шаҳримиз ва диёримиздан чиқиб, жаҳоншумул аҳамиятга эга шоҳ асарлар яратган буюк алломалардан бири машҳур муҳаддис (ҳадис илми) олим Абу Исо Муҳаммад ат-Термизийнинг 1990 йил 14 сентябрда 1200 йиллик юбилей шодиёнасининг бутун дунёда ўтказилиши натижаси ўлароқ, аллома ҳаёти ва фаолиятига доир янги изланишлар олиб борилди ва бу иш изчил давом эттирилмоқда.

Абу Исо Муҳаммад ат-Термизийнинг асарларини араб тилидан ўзбек тилига таржима қилишда олимларимиздан Абдуғани Абдулло, Маъсудали Ҳакимжонов, И. Абдуллаев, Ш. Бобохо-

¹ Юқорида олинган фикрлар Абу Исо Муҳаммад ат-Термизийнинг «Сунани Термизий» ҳадислар тўплами таржимаси 1-жилд (Таржимон Мирза Кенжабек, Тошкент «Адолат», нашриётида 1999 йилда чоп этилган). Ушбу китоб Термиз шаҳрининг 2500 йиллигига совға сифатида меросимиз хазинаси туркумидан берилган.

нов, А. Ирисов, А. Зоҳидов, Убайдулло Уватов, Абдулазиз Мансуров, Улуғбек Долимов, Мирза Кенжабек ва бошқаларнинг хизматларини алоҳида қайд этиб ўтиш жоиз.

Абу Исо Муҳаммад ат-Термизийнинг «Шамоили Муҳаммадия» (Тошкент, «Меҳнат») китоби Маъсудали Ҳакимжонов томонидан ўзбекчага ўгирилиб, босмадан чиқди. «Саҳихи Термизий» номли танланган ҳадислар тўплами таржимон Абдуғани Абдулло раҳбарлигида 1993 йилда (Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти томонидан) чоп этилди. «Сунани Термизий» ҳадис тўпламининг 1-жилди таржимон Мирза Кенжабек томонидан ўзбекчага ўгирилди ва (Тошкент, «Адолат») 1999 йили чоп этилди. Шу тариқа тарихий меросимиз ҳисобланган ушбу шоҳ асарлар халқимизга тортиқ этилди.

Имом Термизий кўп қиррали олим, у ҳадис илмидаги асараридан ташқари, ижтимоий-гуманитар фанларга, айниқса, фалсафа, тарих, филология фанларига оид китоблар яратган. Бу асарлар, албатта, ўша давр анъанасига кўра араб тилида ёзилган бўлиб, араб дунёси фани ва адабиётига қўшилган ноёб дурдоналардан ҳисобланади.

Абу Исо Термизий ўзининг сермазмун ҳаёти давомида устозлари изидан бориб, чуқур мазмунли асарлар ёзиш билан бирга, мусулмон мамлакатларида кўплаб шогирдлар етиштирди. Улар орасида Абу Ҳамид ал Марвазий, Аҳмад ибн Юсуф ал Насафий, Мақус ибн ал Фазл, Муҳаммад ибн Муҳаммад Акбар, Муҳаммад ибн Шоқир, Хайсом ибн Кулайб аш-Шоший, Абул Ҳасан ас-Самарқандийлар бор. Уларнинг кўпчилиги юртдошларимиз эканлиги исми шарифларидан ҳам кўриниб турибди.

Абу Исо ат-Термизий иродали, зукко ва зўр хотира эгаси бўлган, юксак ахлоқий ва инсоний фазилатлари билан ажралиб турган. У доимо илм-фанни тарғиб қилар, кишиларни, айниқса ёшларни илм олишга даъват қилар эди. Ривоятларга кўра, у киши ўзи яшаб турган қишлоқда мадраса очган ва камбағал болаларни бепул ўқитган. Айтар эканлар: Пули бор одам боласининг ўқиши учун имкон топади, камбағал боласини бепул ўқитиш савоб бўлади. «Бундай олижаноб хислат фақат буюк даҳоларда бўлиши мумкин. Мулоҳимлик ва хушфеъллик ул зотнинг асосий фазилатларидан бўлган.

Абу Исо ат-Термизийнинг асарлари катта тарбиявий аҳамиятга эга, У одамларни меҳр-муҳаббатга, саҳийликка, адолатлиликка, софликка, бир-бирларига оғаларча муносабатда бўлишликка,

Ўзаро тушунишга ва инсонларнинг қадр-қимматига етишга чақиради. Бу бир томони бўлса, иккинчи томондан, ёлгончилик, кўзбўямачилик, сотқинлик, зўравонликни кескин қоралайди.

Абу Исо ат-Термизий ҳижрий 279 йили ражаб ойининг 13-куни, хъни милодий 892 йил 9 октябрда 70 ёшида ўз она қишлоғи Бугда вафот этади ва шу ерда дафн қилинади. Унинг мозори муқаддас зиёратгоҳ бўлиб, атрофи эса аҳли жамоанинг қабристони дир.

1990 йили Абу Исо ат-Термизий мақбараси Ўзбекистон ҳукумати ажратган маблағ ҳисобига тубдан таъмирланди ва ўша йили кузида улуғ алломанинг 1200 йиллик юбилей тўйи ўтказилди.

Имом Исо ат-Термизийнинг ҳадисларидан намуналар:

1. Бой ва бақувват, ўрта ҳол киши учун садақа олмоқ жоиз эмас.

2. Расуллуллоҳ, саллоллоҳу алайҳи ва салламга бирор нарса келтирилса, «Бу садақами ёки ҳадями?» деб сўрар эдилар. Агар «Садақа» десалар эмас эдилар, «Ҳадя» десалар ер эдилар.

3. Сизларнинг биронтангиз рўзасини очмоқчи бўлса, хурмо билан очсин, агар хурмо топа олмаса, сув билан оғиз очсин, чунки сув покизадир. Сўнг бундай дедилар: Мискин кишига берилган садақа — битта садақадир, қариндошга берилса, иккитадир: биттаси — садақа, биттаси — силам раҳм.

4. Садақа Раҳмоннинг ғазабини сўндиргай ва ёмон (хунук) ўлимни даф этгай¹.

5. Одамларга хайрихоҳлигинг — бу сенинг садақанг. Хайрли ва яхши ишлар қилишга даъват этишинг ва зулмдан қайтаришинг — сенинг садақанг.

Адашган кишиларга тўғри йўл кўрсатишинг ҳам садақанг.

Ерда халақит бериб ётган бирор тош, тикан ёки суякни бир четга олиб қўйишинг ҳам садақанг.

Ўз пақирингдаги сувдан бошқаларга беришинг ҳам сенинг садақанг ҳисобланади.

6. Икки нарса борки, кўпчилик уларнинг қадрига етмайди. Бирини соғлик, иккинчиси бўш вақт.

¹ Абу Исо Муҳаммад ат-Термизий, Сунани Термизий, 1-жилд. Тошкент, «Адолат», 1999 йил, 637-642-бетлардаги ҳадислардан олинди.

7. Кимда ким жамоат намозига имомлик қилгудек бўлса, уни қисқароқ ўқисин. Чунки жамоанинг орасида болалар, қариялар, хасталар ҳамда юмушидан чарчаб келган кишилар бўлиши мумкин.

Борди ю кишининг ўзи намоз ўқигудек бўлса, қисқа ўқийдимиди ё узун ўқийдимиди, ўзининг ихтиёридадир.

8. Чинакам сабр-тоқатли деб мусулмон кишининг мусибат юз бергандаги чидамлилигига айтилади.

9. Яқин кишиси вафот этганда жоҳилият даврида одат бўлган ёқа йиртиш, ортиқча навҳа тортиб йиғлаш каби одатларга амал қилган зот мусулмон ҳисобланмайди.

10. Марҳумларнинг фақат яхши сифат ва қилмишларини сўзланглар. Ўлган киши ҳақида ёмон сўзлар айтилмасин.

11. Ҳақиқий мўмин деб хушхулқ ва аёлига нисбатан хушмуомалали кишига айтилади.

12. Кимда ким бир кўчат ўтқазса ё бўлмаса, экин экса-ю, улар ҳосилидан одамлар, қушлар ва ҳайвонлар баҳра олса, бу ҳам ўша одам учун садақа ҳисобланади.

13. Марҳум отасининг дўстлари билан доимо мулоқотда бўлиб туриш энг эзгу ишлардандир.

14. Уч хил дуо сўзсиз мустабид бўлади: мазлумнинг дуоси, мусофир кишининг дуоси ва ота-онасининг ўз фарзандига берган дуоси.

15. Қариндош-уруғлар билан алоқани узган киши жаннатга дохил бўлмас.

16. Кимга олийҳиммат берилган бўлса, унга ҳамма нарса берилган ҳисобланади, кимга у берилмаган бўлса, унга ҳеч нарса берилмаган бўлади.

17. Соқий (косагул, сув улашувчи) ўзи охирида ичиши керак.

18. Ўз уйингга киришда ҳам салом билан киргин, шунда ўзингга ҳам, оилангга ҳам барака ҳосил бўлур.

Ўша даврда Термизда муқим яшаб, ижод қилганлардан бири Шайх Абу Бакр Варроқ Термизий ҳисобланади.

Алишер Навоий авлиё Ҳаким Термизийнинг энг яқин шогирди ва сафдоши, сирдоши Абу Бакр Варроқ ҳақида тўлқинланиб сўзлайди: «... Асли Термиздандур. Қабри ҳам андадир... Абу Исо Термизийнинг тағойисидур... Ва «Гаврот» ва «Инжил» ва кутуби осмонийни ўқубтур ва шеър девони ҳам бордир...»¹ Ва унинг табаррук сўзларидан ушбуларни келтиради: «Хукмронларнинг

фожиаси зулмдандир, олимларнинг фожиаси таъмагирликдандир, фуқаронинг фожиаси риёкорликдандир». Абу Бакр Варроқ яна шундай ўғит қилар эканки, «Кўп гапириш юракни хасталантирур экан». Ул зоти шарифнинг куняти Абу Бакр, исми Муҳаммад, отасининг исми Умар Ҳаким, унвони Варроқ, тахаллуси Термизий, Термиздан эканлигига ишора. Абу Бакр Варроқнинг Ҳошим Сўғдий (IX-X аср), Ҳаким Самарқандий (Жомийда Абу Бакр Сўғдий тарзида, вафоти 954 йилда), Ҳомид Термизий сингари қатор шогирдлари бўлган. «Ҳаким Самарқандийнинг айтишига қараганда Варроқ ғарибона умр кечирган, бойликка қизиқмаган ва Худоба таъзим билан машғул бўлган».

Термиз ва термизийлар тарихи билан қизиқувчи марҳум Ш. Сафаров ўзининг «Термиз ва термизийлар» номли китобида Абу Бакр Варроқ тўғрисида қуйидаги маълумотларни келтиради: «Абу Бакр Муҳаммад ибн Умар ал Варроқ Ҳакими Термизий ҳижрий III, милодий VIII асрда Балхнинг Авайз маҳалласида туғилган, дастлабки билим асосларини ўз қишлоғида олгач, Термизга келиб фан камолотига эришган. Ул ал Ҳаким ат-Термизийнинг шогирди, Абу Исо ат-Термизийнинг тоғасидир. Мусулмон динининг йирик илоҳийётчи олими, шайх Абу Бакр Варроқ Ҳизравия билан мулоқотда бўлган ва суҳбатлашган. У ислом динидан ташқари, христиан ва яҳудийларнинг дини ва эътиқодларини ҳам яхши билган, уларнинг тилида мавжуд бўлган китобларни ўқиган. Абу Бакр Варроқ ўнга яқин асарлар муаллифидир. «Китоб ал-ихлос», «Китоб ал-хуруф», «Китоб ал-ажаб» ва бошқалар шулар жумласидандир. Абу Бакр Варроқ Термизий ҳижрий 294 йил (милодий 907)да Сияхжерд қишлоғида вафот этган ва Термиздаги Машоҳид қишлоғида дафн этилган. Унинг эски Термиз деворлари шимолидаги қабри ва X асрда қурилган мақбараси сақланиб қолмаган.

Яна шундай алломалардан бири Ҳошимий Сўғдийдир. Ҳошимий Сўғдий асли Самарқанд сўғдларидан. Туғилиши ва вафоти ҳақида аниқ маълумотлар йўқ. Ўз илмини такомиллаштириш учун Термизга келади ва шу ерда ижод қилади ҳамда ўз устози Абу Бакр Варроқнинг содиқ шогирди бўлиб қолади.

Алишер Навоий¹ довишманд Абу Бакр Варроқнинг етук шогирди, термизлик машҳур Шайх Ҳомид Термизий ҳақида нақл

¹ Навоий А. Асарлар, 15-том, Т., Бадиий адабиёт, 1968, 88-бет.

қилар экан, у кишининг ажойиб сўзларини келтиради. Ҳомид Термизий айтар эканки: «Сенинг сармоянг кўнглингдир», яъни сармоя-бойлик, бойлик бу — қалб, демак, Оллоҳни қалбан ҳис этиш бу — тасаввуфнинг бош гоёси ҳисобланади. Оллоҳни оддий кўз билан кўра билиш ташвиқоти тасаввуфнинг етакчи моҳияти, зеро, тасаввуф талқинида қалб — имон нурининг маъдани.

Алишер Навоий айна чоқда Ҳомид Термизийнинг ўғли — Хуросон машойихларидан Абу Наср Муҳаммад Термизий ҳақида ҳам маълумот бериб ўтади. Ва ўз сўзини давом эттириб, «Муҳаммад ибн Ҳомид Термизий иккинчи табақадандир. Куняти Абубакрдир, Хуросон машойихининг жувонмардларидандир. Аҳмад Ҳизравияни кўриб эди ва анинг ўғли Абуносир Муҳаммад ибн Муҳаммад, ибн Ҳомид Хуросоннинг машойихларидандур»¹, дейди.

Х асрда Термизда туғилган, шу ерда яшаб ижод этиб, ўз она шаҳрида вафот қилган Юсуф Ҳайёт Термизийнинг таржимаи ҳоли ҳақида маълумотлар деярли йўқ ҳисоби. Буюк бобомиз Мир Алишер Навоий ўзининг «Насойимул муҳаббат» (15-жилд, Тошкент, 1968 йил) китобида Юсуф Ҳайёт Термизий ҳақида қуйидагиларни айтади: «Сен уйингдан қанчалик узоққа кетма, барибир, қайта уйингга қайтасан!» Ҳайёт Термизийнинг бу айтганларидан мурод-муддао шуки, инсон нечоғлик юксак уфқларга, фахри ғурурга интилмасин, у, албатта уйига — тупроққа қайтади. У тупроқдан яратилган ва тагин тупроққа — ўзлигига қайтиши муқаррар. Абу Бакр Варроқ Термизий айтар эканки: «Ҳайёт Термизийнинг бу сўзлари юз йиллик ибодатдан яхшироқдир»².

Шу даврда яшаб ижод этган аллома Абу Мансур Муҳаммад ибн Дақиқийнинг ҳозирги кунгача туғилган йили ва жойи аниқ эмас. Адабиёт тарихи билан шуғулланувчилар уни Хуросоннинг Тус шаҳрида туғилган дейишса, бошқалар Самарқанд ёки Бухорода туғилган дейишади. Устоз Дақиқий бутун онгли ҳаётини Мовароуннаҳрнинг ривожланиб камол топаётган сомонийлар давлатининг ўша вақтдаги гуллаб-яшнаган ўлкаларидан бири Чағонийён ҳукмдори саройида ўтказган. Дақиқийнинг маҳорати ҳақидаги хабарлар тез орада Бухорога — сомонийлар саройига етиб бо-

¹ Навоий А. «Насойимул муҳаббат», 15 том, 1968, 93-бет.

² Муртозоев Б. Алишер Навоий термизийлар ҳақида, ТермДУ профессор-ўқитувчиларининг илмий-назарий конференцияси материаллари, Тошкент, «Университет», 1999 йил, 82-83-бетлар.

ради ва уни саройга таклиф этадилар. Бу вақтда сомонийлар ҳокимияти доирасида қадимий афсоналар, ҳикоялар, ривоятларни тўплашга катта эътибор қаратилди. Чунки юрт тарихининг гаран-нуми ҳамда қаҳрамонлик руҳи билан суғорилган ўтмиш ҳикоялари таъсири давлат мустақиллиги учун курашда халқларнинг бирлашиши учун катта аҳамиятга эга эди. Шунинг учун ҳам сомонийлар қадимий юнон афсоналари, Паҳлавий ва араб манбалари, айниқса, деҳқонлар томонидан айтиб юриладиган халқ оғзаки нақлларини тўплашга катта аҳамият беришган эди. Булар эса Абу Мансур Дақиқийнинг насрий «Шоҳнома»сининг юзага келишига сабабчи бўлди. Унинг таъриф-тавсифини Муҳаммад Авфий қуйидагича ифодалайди: «... Сўзда зукко, маънода ўта диққат бергани учун уни Дақиқий аташган». Дақиқий унинг адабий таҳаллу-сидир. Тазкиранавислар уни Марвазий, Самарқандий, Тусий, Хиравий номи билан аташган бўлса, Беруний эса Балхий деб атайди.

Шоир сомонийлар амирларидан Абдусолиқ Мансур ибн Нуҳ (969-975 йиллар)га мадҳиялар битган. Ўзи эса Чағониён амирларининг саройида хизмат қилган. Дақиқийнинг улкан девони бўлиб, XI асргача мавжуд экан. Уни Носир Хисрав ўз асарларида таъкидлайди. Шоирнинг бизгача қолдирган адабий мероси қатра, ғазал, қитъа, рубоийлардан иборат. У Абдулқосим Нуҳ ибн Мансур II Сомоний (976-997 йиллар) топшириғига биноан, ўзининг «Шоҳнома»сини битишга киришган, аммо бу ишни охиригача етказа олмай, 997 йилда вафот этди (айрим манбаларда 980 йилда вафот этган деб талқин қилинган). У ўзининг ижодий ишларини ҳам кенг ривожлантиришга улгурмади. Ундан бизга минг байтдан иборат «Гуштасп» номли дoston етиб келган ва ҳозиргача «Гуштаспнома» номи билан машҳурдир. Лекин унинг ишини яқин сафдоши Абдулқосим Фирдавсий ниҳоясига етказиб, Дақиқий томонидан битилган 1048 байтни машҳур «Шоҳнома» дostonига киритади. Дақиқий ёзган «Шоҳнома»даги байтлар сони ҳақида Муҳаммад Авфийнинг бизгача етиб келган XIII аср антологиясида ҳам фикрлар мавжуд. Ундаги маълумотда бу рақам 20 минг байтни ташкил этган. Дақиқийнинг янги назм йўналиши асосан халқ нақлига, ривоятига, хотирасига, балх бахшилари томонидан камолига етган ҳикояга асосланган эди².

¹ Бердиев Х. «Биринчи одам вилояти», Тошкент, «Нур», 1991, 23-бет.

² Сафаров Ш. «Термиз ва термизийлар», Термиз, «Жайхун», 1993 йил, 77-78 бетлар.

1978 йилда ватандошимиз, X асрнинг улуғ шоири, мутафаккири Абу Мансур Муҳаммад ибн Аҳмад Дақиқий таваллудининг 1000 йиллиги ЮНЕСКО нинг махсус қарори билан бутун дунё миқёсида кенг нишонланди.

Аҳмад ибн Муҳаммад Сағоний Устурлобий, А.Ирисов ва бошқаларнинг таъкидлашича, Чағониёнда (Сурхондарё вилоятининг Денов ва унинг атрофидаги жойлар) X асрда таваллуд топади. Дастлабки маълумотни ўз она юрти Сағониён (Чағониён)да олгандан кейин, билимга чанқоқ ёш Аҳмад ибн Муҳаммад Бухоро ва Самарқанд мадрасаларида таҳсил кўрди. У фалакиёт илми билан шуғулланиш учун ислом дунёсининг дунёвий диний марказларидан бири саналмиш Бағдодга келиб «Байтул ҳикма», яъни Билимлар уйи (ўзига хос академия) олимлари билан мулоқотда бўлиб, фалакиёт илмида Абу Саҳл Куҳий раҳбарлигида обсерватория учун осмонни кузатадиган бир қанча аниқ асбоблар, жумладан янгича устурлоб ясаб, юлдузларни, ой ва қуёш ҳаракатини, унинг тутилишини кузатган. Шунинг учун ҳам унга янги тахаллус Устурлобий номи берилганлиги ажабланарли эмас. Бу аллома асли чағониёнлик бўлсада I астрономия фани ривожини ва камолотини учун термизлик астрономларга фойда келтиргани шубҳасиз.

Абу Жаъфар Ҳозий Муҳаммад ибн Ҳусайн Сағоний (Чағоний) X асрда яшаб ўтган йирик математик ва астроном олим. Абу Райҳон Беруний ҳам унинг асарларидан фойдаланган. Абу Жаъфар Ҳозий ҳаётининг охириги йилларида Хуросоннинг Рай шаҳрида яшаганлиги сабабли уни Хуросоний ҳам деб аташган.

Абу Жаъфар Ҳозий математика ва астрономияга оид асарлар муаллифидир. У «Китоб зиж ус-сафоих» («Гардишлар зиж китоби»), «Китоб ул масоил илладдий» («Ҳисоб масалалари ҳақида китоб»), «Шарҳ китоб усули хандасий», «Иқлидус» («Эвклиднинг усули хандасий китоби шарҳи»), «Тафсир мақолаи ошира Иқлидус», («Эвклиднинг учинчи мақоласи тафсири») каби асарлар ёзган.

Абулҳасан Али ибн Муҳаммад Мунжик Термизий Термизда таваллуд топган. Унинг туғилган ва вафот қилган вақти тўғрисида аниқ маълумотлар бўлмаса-да, X-XI асрларда яшаб ижод этган деган тахмин бор. У ўз саводини она шаҳри Термизда чиқаради, мактаб, кейинчалик мадрасада таҳсил олиб, ўз замонасининг таниқли шоири сифатида шу ерда камол топади.

Мунжик Термизий ўз умрининг талайгина қисмини Чағониён (ҳозирги Денов)да ўтказди. У ўз замонасининг таниқли шо-

ири Чағониён ҳукмдори Тохир Чағоний таклифига биноан, Чағониёнга келади ва Дақиқий, Лабибий ва бошқа таниқли шоирлар билан танишади, шу ерда ўз ижодини давом эттиради. Саройдаги ижодий баҳс-мунозараларга қатнашиб, ўзининг илмини ошириб боради.

Абдулҳасан Мунжик Термизий ҳажвчи шоир бўлган, қасидалар ёзган. У даврининг иллатларини ҳажв билан даволашни ўз олдига мақсад қилиб қўйган ва шу туфайли ўзига Мунжик (мунжасалари) тахаллусини танлайди. Кўриниб турибдики, асаларининг чақиши аччиқ бўлса ҳам у заҳарламайди, балки даволайди, таркибида бол бор. Зеро, шоир ҳажвлари аччиқ туюлсада, чидаб қабул қилган кишига болдек фойда келтиради.

Мунжик Термизийнинг 517 мисра шеъри бизгача етиб келган. Улар орасида Тохаристон-Чағониён ҳукмдори Тохир Чағоний ва Абул Музаффарлар ҳақида қасидалари ажралиб туради. Шоирнинг шеърлари бизгача асосан узук-юлуқ ҳолатда, парчалар сифатида етиб келган, китоб сифатида сақланмаган.

Мунжик Термизий тожик мумтоз шоири Рудакий ўз даврининг машҳур шоирларидан бири бўлган.

Таниқли ўзбек шарқшунос тарихчиси, олими академик Бўрибой Аҳмедов Давлатшоҳ Самарқандийнинг «Тазкират уш-шуаро» («Шоирлар бўстони», Тошкент, 1981 йил) асарини ўзбек тилига ўгирган таржимасида XI асрда яшаб ижод қилган машҳур термизлик шоир Қатрон ибн Мансур Термизий ҳақида маълумот беради. Бу маълумотга кўра у салжуқийлар ҳукмдори Салжуқ Санжар (1118-1157 йиллар ҳукмронлик қилган) замонида етук шоир ва олим сифатида донг таратган. Унинг туғилган ва вафот этган йили аниқ эмас.

Қатрон ибн Мансур Термизий турфа шаклларда: мураббаъ, мухаммас, икки қофияли шеърлар ва бошқа жанрларда қалам тебратган. Унинг машҳур асарларидан бири «Гуштаспнома»сини 1065-1066 (458 ҳижрий) йили ёзиб тугатганлиги тўғрисида маълумотлар бор. «Луғати форс» асари муаллифи Асад Тусийнинг (XI асрда яшаган хуросонлик шоир, олим) айтишича, форс тилининг изоҳли луғатини тузишга даставвал Қатрон ибн Мансур Термизий ҳаракат қилган экан. Аммо ўз луғатига ҳаммага маълум, кенг истеъмолдаги сўзларнигина киритган, дейди рус тадқиқотчи олими Бертельс. Қуйидаги парчада Давлатшоҳ Самарқандий тилга олган «Қавснома», эҳтимол, шу луғат бўлса ажаб эмас:

«Шуаронинг устозлари жумласидандур. Асли Термиздан, лекин Балхда турғун бўлган. Унинг девони Ироқи Ажамда машҳурдир. Султон Санжар ҳукмронлиги замонида Балх ҳокими Амир Аҳмад Қумочга бағишлаб «Қавснома» китобини ёзган. Рашид Самарқандий, Лаввоҳий, Руҳий, Шамс Симкаш, Адионий, Бисори Хумхона, шунингдек, Балх ва Мовароуннаҳрнинг кўпчилик шоирлари Қатронга шогирд тушганлар».

Қатрон ибн Мансур Термизий ҳаётининг сўнгги йилларида Ироққа боради ва ўша ерда яшайди. У шеърда моҳир эди ва бу илмда китоблар ҳам ёзган. Рашидиддин Ватвот дейди: «Мен ўз даврим шоирларидан фақат Қатроннигина тан оламан, бошқани эса илм юзасидан эмас, балки кўнгил учун шоир дейман».

XI-XII асрларда яшаган эркин фикр юритувчи, ҳаётсевар, келажакни куйловчи шоир Адиб Собир Термизий эди.

Шаҳобиддин Адиб Собир Термизий ибн Исмоилий 1078 йилда Термизда ўз даврининг саводхон оиласида таваллуд топади. Бошланғич маълумот ва мадраса билимини она шаҳри Термизда олади. Собир Термизий 20 ёшида забардаст шоир даражасига кўтарилган бўлиб, у ўз замонасига оид турли-туман илм соҳаларидан хабардор эди. Диний таълимот билан бирга астрономия, математика илмларини ҳам мукаммал билганлиги тўғрисидаги маълумотлар бизгача етиб келган. У ўз шеърлари билан замонасининг жирканч томонларини, адолатсизликларини танқид қилган. Масалан, унинг замондоши Термиз шаҳри амири Ахтитни майпарасгликда айблаб, унга атаб ҳажвий шеърлар ёзган. У сўз санъаткори бўлганлигидан унга Адиб деб тахаллус берилган экан.

Адиб Собир Термизийни ўша вақтдаги Нишопур ҳокими Абул Қосим Али ибн Жаъфар ўз саройига таклиф этади ва Нишопурдаги 30 йиллик ҳаётининг 15 йилини сарой хизматида ўтказиши. У Нишопурга борганида ёши ўттиздан ошган бўлиб, сарой хизматида оғир муҳит доирасида қийналиб ҳаёт кечириши, шу муҳитга хос барча зиддиятлар ва тубанликларга бевосита гувоҳ бўлади.

Ана шу мураккаб вазиятда шоир билан ҳукмдор ўртасида зиддият келиб чиқишига олиб келади. Натижада Собир Терми-

¹ Бертельс «История персидского-тоджикской литературы», Москва, «Наука», 1960 г.

зий уч йилга саройдан четлаштирилади, ҳатто бир муддатга зиндонга ҳам ташланади. У сургундалик йилларида она шахри Термизни қўмсайди, ўз она юртига келиб, тинч ижод қилишни истайди.

XII асрда Хуросон ва Хоразмда ҳукмронлик салжуқийлар султони Султон Санжар қўлида эди (1118-1156). Султон Санжарнинг ёрдами билан Ровон зиндонидан озод қилинган Собир Термизий араб дунёсининг бир қатор шаҳарларига сафар қилади. Кўп ўтмасдан Султон Санжар илтифотига мувофиқ Марвга, яъни салжуқийлар давлатининг асосий марказларидан бирига бориб, саройда 2 йилча хизмат қилади. У Султон Санжар саройида Шарқнинг таниқли алломалари: Умар Хайём, Футуқий, Марвазий, Котибий, Саид Ҳасан Ғазнавий, Амъак Бухорий ва дўсти Анварий билан учрашади. У барча шоир ва олимларни ўз ақл-фаросати, билими ва ғазалларининг равлонлиги билан ўзига ром этади. Шундан кейин унинг иззат-ҳурматини сезган ва билган Султон Санжар ўзининг энг яқин кишиларидан бири сифатида ҳурмат қила бошлайди.

1140 йилда салжуқийлар давлатининг бир қисми бўлган Хоразмда Отсиз (1127-1156 йиллар) ўзини Хоразмшоҳ деб эълон қилиб, мустақиллик олиш учун Султон Санжарга қарши кураш бошлаган эди. Ўртада бўлиб ўтган бу жангда Султон Санжар ғалаба қилади, аммо Хоразмшоҳ унвонини олган Отсиз ҳали унга тўлиқ таслим бўлган эмас, Хоразм ярим мустамлака ҳолатидаги мамлакат эди. Хоразмшоҳ Отсиз билан ярашиш учун фақат Собир Термизий ёрдам бериши мумкин эди. Чунки унинг обрўси нафақат Хуросон, Мовароуннаҳр, Хоразм, балки бутун Шарқда, араб дунёси мамлакатларида машҳур эди. Собир Термизийнинг обрўсидан ўз мақсадида фойдаланишни кўзлаган Султон Санжар Отсиз фаолиятидан хабардор бўлиб туриш учун уни Хоразмга Марказий давлат элчиси қилиб юборди. У ерда Собир Термизий 7 йил яшайди. Собир Термизийни Хоразмда етук олим ва шоирлар зўр хурсандчилик билан кутиб оладилар. У Хоразм маданий муҳитида эмас, балки бутун Хуросон, Мовароуннаҳрда машҳур бўлган, ўз замонасининг етук илм соҳибларидан бўлган Рашидиддин Ватвот, Замахшарий ва бошқалар билан танишиб, ижодий ҳамкорлик қилади. Ҳатто, шоир Ватвот Адиб Собирнинг ғазалларига тан бериб, уни шоирликда тенги йўқ деб қасида ҳам ёзган экан.

Обрўсига-обрў қўшилаётган Собир Термизийга ҳасад қилувчилар ҳам бор эди. XIII асрдаги ўзаро феодал урушлар, мамлакатлар ўртасидаги курашлар, сарой ичидаги диний-мистик келишмовчиликлар Собир Термизий ижодига ҳам ўз таъсирини кўрсатар эди.

Собир Термизийнинг хатти-ҳаракати туфайли салжуқийлар ҳукмдори Султон Санжар ва Хоразмшоҳ Отсиз ўртасидаги душманлик муносабатлари бир мунча бўлса-да тўхтатилди. Икки давлат ўртасидаги муносабат қарийб етти йил яхшиланди. Лекин Хоразмшоҳ Отсиз қандай қилиб бўлса ҳам ўз давлат мустақиллигини қўлга киритиш учун зимдан иш кўриб, Марказий Давлат ҳокимиятини йўқотиш учун Марвга жосус юборади. Агар ўйланган ҳодиса рўй берса, Хоразмшоҳ Марвга бостириб кириши мўлжалланган эди. Бу воқеадан хабар топган Собир Термизий Султон Санжарга мактуб юбориб, унда Хоразмшоҳ Отсиз Марвга жосус юбораётганлиги ҳақида маълумот беради. Марвда Хоразмшоҳ Отсиз жосуси ушланиб, қатл қилинади.

Хоразмшоҳ Отсиз Собир Термизийнинг мактуби воқеасини эшитгач, ғазабга тўлиб, 1147 йилда уни тириклайин, оёқ-қўлини боғлаб Амударёга чўктириб юборади. Тахминий маълумотларга қараганда у 71 ёшида чўктириб юборилган.

Адиб Собир Термизийдан катта адабий мерос қолди. Бизгача етиб келган девонига 66 ғазали, 109 қасидаси, 7 та таркибанди, 113 та қитъаси ва 88 та рубойиси киритилган.

Адиб Собир Термизий ҳаётсевар, табиат гўзалликларига, ёр жамолига мафтун, инсонпарвар ва донишманд ижодкор бўлган. Шоир шеърларининг асосий қисмини ўз замонаси адолатсизликларини танқид қилиш, адолатпарварлик ғоялари, маърифатпарварлик, фалсафий фикрлар, илм-фан тарғиботи, таълим-тарбия, одоб-ахлоқ масалалари, табиат манзаралари, ишқ-муҳаббат ва бошқа мавзулар ташкил қилади.

Ўрта аср шарқининг шоир ва олимлари, масалан, Муҳаммад Авфий «Лубоб-ул-албоб» (1220-1222 йилларда тузган) тазкирасида Собир Термизийни етук адиб, фозил ва олим, давлат арбоби сифатида таърифласа, Давлатшоҳ Самарқандий «Тазкират ушшуаро»сида (1486 йилда ёзган) Собир Термизий ҳақида: «Моҳир донишманд, фозил ва етук шоир бўлиб, Султон Санжар замонида Термиздан Марвга келиб қолган, асли бухоролик, лекин Хуросонда ўсган ва кун кечирган. Рашидиддин Ватвот билан ҳамкасбдир. Ҳар икковлари бир-бирларини нозик ҳажв этганлар.

Ҳоқоний Собирга издош, Ватвотга эса мункирдир. Ҳақиқатан ҳам у шўхсухан, сўзлари покиза, равон ва сеҳрлидир, Адиб Собир Термизий ўз асри шоирларининг сардафтари экан.

Адиб Собирнинг мураббийси улуғ аллома Абу Жаъфар Али ибн Ҳусайн Пешвон Мусавийдирки, беҳад ҳурматга сазоворлигидан уни «Раиси Хуросон» (Хуросон бошлиғи, раиси) дер эдилар. Султон Санжар у билан оға-ини тутинган эди», дейди.

Адиб Собир Термизий ғазалларини Шарқнинг машҳур шоири ва донишмандларидан бири Абдурахмон Жомий ўзининг «Баҳористон» тазкирасида: «Ширинасухан шоир, доно олим бўлган, унинг шеърларида латофат ва малоҳат камолга етган. Фозил шоирлар унинг санъатига қойил қолганлар», - дейди. Анварий эса Собирни ўзидан устун қўйган экан¹.

Адиб Собир Термизийнинг илмий-адабий меросини XX асрнинг 50-60-йилларидан бошлаб ўрганишга ҳаракат қилинди. Дастлаб бу хайрли ишга ўзбек ва тожик адабиётининг йирик намояндаси Садриддин Айний, ундан кейин рус шарқшуноси В.Э.Бертельс, М.Раҳимий, Мирзо Турсунзода, С.Улуғзода, И. Брагинский, Н.М.Маллаев, А.Абдуллаев, А.Ҳайитметов, Б.Аҳмедов, Э.Пардаев, домла Чустий, Жамол Камол, Ш.Сафаров ва бошқалар қўл урдилар, уларнинг ҳаракати билан илмий мақолалар, Собир Термизийнинг «Танланган асарлари», «Сайланма», «Девон»и нашрдан чиқди. Бу 1980 йилда шоир таваллудининг 900 йиллигига тўёна бўлди. Шоир, давлат арбоби Собир Термизийнинг илмий - адабий мероси бугунги кунда ҳам ўрганилмоқда.

X-XI асрларда яшаб ижод этган, ўз даврининг шайхи, таниқли тасаввуфчиси бўлган Абу Музаффар Термизий ҳам Собир Термизийнинг замондошидир.

Улуғ бобомиз Алишер Навоийнинг «Насойимул муҳаббат» ида термизлик улуғ зотлардан бири Абу Музаффар Термизий тўғрисида ҳам маълумот мавжуд. Алишер Навоийнинг ёзишича, Абу Музаффар Термизийнинг севган сўзлари ушбу экан: «Кимки сенга яхшилик қилса, сени ўзига яқинлаштиради, демак, у сени ипсиз боғлаб олади, кимки ёмонлик қилса, сени ўзидан узоқлаштиради, узоқлаштириш ипсиз боғлашдан аълороқдир. Озодлик ях-

¹ Сафаров Ш. «Термиз ва термизийлар», Термиз, «Жайхун», 1993 йил, 83-84-бетлар.

шими, куллик?» Абу Музаффарнинг ушбу сўзлари замирида ғоят улкан маъно ва моҳият, мантиқ ва мазмун мужассам. Тасаввуф илмида Худо васлига етмоқ учун ранжу алам чекиш ғоялари илгари сурилади. Сабаби, мақсадга осонгина етишишга интилмаслик мақбул, унинг лаззати, унинг мазаси қийноқларда намоён бўлади, қолаверса, бир инсон бошқа бир инсонга муте бўлмаслиги лозим. Оллоҳ таолонинг олий неъматини — инсон, у ҳур ва эркин, озод ва беғубор мавжудотлар тоифасига мансубдир.

Абу Музаффар Термизий машҳур шайх, тасаввуф илмининг таниқли пешвоси, X асрнинг иккинчи ярми XI асрнинг бошларида яшаб, ал Ҳаким ат-Термизий масжиди (мақбараси)нинг бош шайхулислом вазифасини бажарган¹.

Таниқли олима, ЎзФА академиги Г.А.Пугаченкова «Термиз, Шаҳрисабз, Хива (М., «Искусство», 1976) китобида ал-Ҳаким Термизий дахма-мақбарасининг бадий безалган ва жиҳозланган ички томонини таъмирлаш мақсадида тозалаш пайтида бир неча қават сувоқ остидан қисман сақланган ҳашамдор ўйма нақшнинг бир бўлаги топилганлигини, унда нақш услубидаги бу ёзувда ушбу вазифани бажаришни буюрган ҳукмдор Абул Музаффар Аҳмад Тиги Тигининг исми ва унвони бор эканлигини қайд этиб ўтади. Меъморчилик беагининг бажарилиш вақти XI аср охирига тўғри келишини ҳисобга олиб, бу шахсни 1081 йилдан 1095 йилгача Мовароуннаҳр ҳукмдори Қорахоний Аҳмад Ҳизрга қиёслаш мумкин. Бундан келиб чиққан хулоса шуки, ал Ҳаким ат-Термизий масжид-мақбараси Термиз шаҳрининг ўша пайтдаги бош масжиди ҳисобланиб, уни Шайхулислом бошқарарди. Демак, ёзувдаги исм ва унвон Абу Музаффар Термизийга мансублиги эҳтимолдан холи эмас.

XII асрнинг машҳур шоирларидан бўлган Авхадуддин Али Анварий асли хуросонликдир. У 1152 йилда Термизда етти ой бўлиб, ўша даврда шаҳарнинг ободлиги ва кўркамлиги тўғрисида маълумот беради. Авхадуддин Али Анварий 1095 йилда Хуросоннинг Абевард шаҳрида дунёга келади ва 1172 йилда ўша ерда оламдан ўтган. Ундан бизгача мерос бўлиб қолган «Девон» — идаги шеърларининг аксарият

¹ Муртазов Б. Алишер Навоий термизийлар ҳақида. ТермДУ профессор-ўқитувчиларининг илмий-назарий конференцияси материаллари, Тошкент, «Университет», 1999 йил, 80-83-бетлар.

қисми Термиз шаҳрига бағишланган бўлиб, эслатиб ўтганимиздек, Хуросондаги нотинчликлар сабабли, 1152 йилда Термизга ташриф буюриб, унинг улуғ ҳокими Имодуддин Фирузшоҳ ва унинг маърифатпарвар вазири Абулфатҳ Носириддин паноҳларида етти ой яшаб, Термизҳокими ва унинг вазири ҳақида 18 та қасида ёзган. Бу қасидаларнинг ҳаммаси тарихий манба сифатида муҳим аҳамият касб этади.

Шоир Анварий берган маълумотга қараганда, Термиз ҳокими Имодуддин Фирузшоҳ Термиз саййидларидан бўлиб, Саййид Ҳасан Амир ҳазратлари авлодидан эканлар.

Шоир Анварийнинг Термиз ҳақидаги қасидаларидан биринчиси «Султонус-Саодат одил мадҳияси ва менинг Термизга бўлган сафарим ҳақида» деб номланади, дейди профессор Аҳмад Абдуллаев. Домланинг таъкидлашича, Анварий кема билан Амударё орқали Термизга келади, бандаргоҳга тушиши билан соҳилдаги ободончиликка кўзи тушиб ҳайратда қолади. Термиз ўша даврда чиндан-да обод ва кўркем шаҳар бўлиб, унинг ҳокими муҳташам қасрда ўтирар ва бу қаср қалъа ичида бўлиб, қалъа баланд девор билан ўралган, унинг ичида эса вақти-вақти билан ҳокимнинг аскарлари ҳарбий машқлар ўтказар эканлар. Шаҳарни жуда ҳам гўзал бинолар, гуллаган боғу майдонлар безаган. Бундан кўринадики, шаҳар ҳокими Имодуддин Фирузшоҳ Термиз ободончилиги соҳасида ҳаминша саъй-ҳаракатда бўлган. Шунинг учун у кишига «Одил» лақаби кўйилган экан. Фирузшоҳ ҳақиқатан ҳам адолатли ва ҳиммати баланд бўлиб, Термизни обод ва кўркем шаҳарга айлантириш учун бор куч-қувватини сарф этган. Ватанпарвар шоҳга албатта, маърифатпарвар вазири Абулфатҳ Носириддин ёрдам берган.

Шоир Анварийнинг 1152 йилда Термизга келгани, шаҳар ҳақида, унинг шоҳи Имодуддин Фирузшоҳ ва вазир Абулфатҳ Носириддин, шоҳ ўрдаси, аскарлари, юриш-туриши, дарё бандаргоҳи манзараси, мазкур шоҳ ва вазирнинг хулқ-атвори, инсонийлиги, фаолияти, базмлари, тантанали байрамлари, одилона сиёсати, тоза ахлоқий хусусиятлари, ҳиммати баландлиги ва ҳоказолар тўғрисида берган маълумоти гоёат аҳамиятлидир. Чунки бундай маълумотларни XII асрда ёзилган тарихий манбаларда учратмаймиз. Шу боис шоир Анварийнинг ўн саккизта қасидаси тарихимиз саҳифаларини тўлдириб, уни батафсил ва ҳар томонлама ёритишга ёрдам беради, деб ўйлаймиз¹.

¹ Сафаров Ш. Термиз ва термизийлар. Термиз, «Жайхун», 1993 йил, 83-84- бетлар.

IX асрнинг иккинчи ярмида эски Термиз деворининг шарқий томонида Чағонруд (Сурхон) дарёсигача бўлган ҳудуд, яъни Талитоғора бош сув иншоотидан сув ичадиган ерлар (ҳозирги Термиз тумани «Намуна» жамоа хўжалигига қарашли бўлган «Қирққиз» қалъаси атрофи) Шаҳри Сомон деб, Султон Саодат мақбараси атрофидаги ерлар саййидлар мулки деб юритилар эди. Бу ерлар Саййид Ҳасан ал-Амир авлодларига мансуб бўлган.

IX асрда Мовароуннаҳр шаҳарлари орасида Термиз Муҳаммад Пайғамбарнинг издошлари (саҳобалар) ва авлиёлар макони сифатида маълум ва машҳур бўлиб, бу ерда Мовароуннаҳрдаги биринчи сўфилардан бири дарвешлар жамоасининг ҳакими (ташкilotчиси) Абу Абдуллоҳ ал Ҳаким ат-Термизий каби йирик олим саййидлар таваллуд топдилар ва ижод қилдилар.

XI асрдан бошлаб Саййид Ҳасан ал-Амирнинг шахси илоҳийлаштирилиб, унинг мозори зиёратгоҳга айлантирилади ва унинг қабри устига мақбара қурилади. Бундан шу нарса аниқ бўладики, термизлик саййидлар хонадонининг соҳиби Саййид Ҳасан ал-Амир йирик тасаввуф илмининг раҳномаларидан бири бўлиши билан бирга, ислом дини тарғиботчиси — исломшунос олим сифатида машҳур бўлган экан.

XIII аср бошларида Хоразмшоҳ Муҳаммад Мовароуннаҳрни босиб олгандан кейин Термизни Саййид Ала ал-Мулк Термизийга топширади ва уни халифа деб эълон қилади, шу тарзда Термизни бошқариш саййидлар авлоди қўлига ўтиб қолади.

Термиз саййидлари даҳоси Ҳасан ал-Амир қабрини Соҳибқирон Амир Темур Ҳиндистондан қайтаётиб, 1388 йилда ва ҳарбий юришдан қайтаётганда 1404 йилда зиёрат қилиб, саййидлар хонадониди меҳмон бўлганлиги маълум.

XIV асрнинг иккинчи ярми ва XV аср бошларида Амир Темур сафдошлари сифатида Термиз саййидлари — ҳокимлари — хонзода (Худо-ванд-зода) унвонли икки ака-ука саййидлар Абул Маъкли ва Али Акбар тилга олинадилар. Улар 1370 йили Амир Темурнинг Самарқанд тахтига ўтириши маросими тантанасида ҳам иштирок этишган.

Бухоролик шоир, тарихчи ва ўлкашунос Мир Муҳаммад Ҳофиз Таниш томонидан 1584-1591 йилларда ёзилган «Абдулланом» — «Шарофномаи Шоҳий» асарида Мовароуннаҳр шаҳарларининг тавсифидаги бир маснавийсида Термиз ҳам тилга олинади: «Мовароуннаҳрнинг кўрки — тўрт томонида жойлашган тўрт шаҳардир. Улар ҳар бирининг кўрки жаннатдан ҳам яхшироқдир.

Биринчиси илми фазл манбаи бўлган Бухоро, унинг Рум ва Чин мамлакатларида фаҳридир.

Иккинчиси, салтанат ўрни Самарқанд, шон-шарафда бошқа шаҳарларга нисбатан узукдек, тожда эса кўздекдур.

Улардан сўнг авлиё ва саҳобалар макони Термиз шаҳридир.

Жаҳондаги оқар сувлар ғайр қиладиган дарёлар лабидадур.

Тўртинчиси, ишрат жойи, поклик мавзуи, сўфилар макони Хўжанд, унинг четидан жаҳон бошланади».

Рус шарқшуноси В.В. Бартольднинг таъкидлашича, Термиз XV асргача Мовароуннаҳрда дин маркази моҳиятини сақлаб келган.

ХУЛОСА

Она Ватанга бўлган муҳаббат ҳақида ҳар бир фарзанд жўшиб-тошиб куйлагиси келаверади.

Ватан туйғуси онгу шу уримизга шундай бир қудратли куч билан ўрнашганки, бу «иймон» сўзи билан чамбарчас боғлиқдир. Иймон, эътиқодли инсон ўз Ватани, халқи, ота-онаси, қариндош-уруғлари ва ўзи яшаётган шаҳару қишлоқни севади, унинг эртаси учун қайғуради, курашади. Бундай одамни чин ватанпарвар деса бўлади. Ҳаётнинг буюк кучи, гўзаллиги ва мазмуни ҳам ана шундадир.

«IX-XII асрларда Термиз маданияти» деб номланган ушбу рисола ўтган IX-XII асрларда Марказий Осиё ҳудудида марказлашган сомонийлар, қорахонийлар, ғазнавийлар, салжуқийлар ва хоразмшоҳлар каби йирик давлатларнинг ташкил топиши ва уларда ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг ривож топиши оқибатида маънавият, маърифат, ислом дини ва унинг тадқиқоти, адабиёт, санъат, илм-фан, шунингдек, маданиятнинг ривожланган даври, яъни «Уйғониш даври»ни ўз ичига олади.

Шояд, мустақиллик туфайли Она-Ватанзимизнинг ўтмиши ва келажаги, урф - одатларию қадриятлари, халқнинг миллий иқтидори ва салоҳияти хусусида баралла сўзлаш имконияти туғилди. Бинобарин, чинакам инсоний муҳаббат, Ватанни севиш туйғуси покиза нарсаларга хос фазилатдир. Шундай хусусият бизнинг миллатимизнинг қонида бор.

Ватан туйғуси — бу ўз ақл-идроки билан жаҳон маданияти, илм-фанига улкан ҳисса қўшган ал Ҳаким ат-Термизий, имом Абу Исо ат-Термизий, Абу Бакр Варроқ Термизий, Муҳаммад Абу Абдулло Муҳаммад ибн Аҳмад Жайхуний, Аҳмад ибн Муҳаммад Сағоний, Устурлобий, Абу Жаъфар Ҳозий, Юсуф Ҳайёт Термизий, Заргар Термизий, Абдул Ҳасан Мунжик Термизий, Собир Термизий, Абу Музаффар Термизий, Абдул Ҳомид Термизий каби ўнлаб аҳли донишлар, «БайАдабий - бадий нашр

Ватан туйғуси — ҳадис илмининг пешволаридан бўлмиш термизлик икки уламо — ал Ҳаким ат-Термизий ва Саййид Ҳусайн Бурхониддин Муҳаққиқ Термизий каби буюк аждодларимизнинг меросини ўрганиш, тарғибу ташвиқ қилиш ҳамдир.

¹ Абдуллаев А. Шоир Анварий ва Термиз, «Сурхон тонги» газетаси, 2000 йил 18 октябр.

Термиз IX-XII асрларда дунёнинг ҳар томонлама ривожланган марказларидан бири эди. Бу исломнинг маънавий-маърифий моҳиятини яхши англаб, уни ҳаётга тадбиқ этишида, ислом ва иймон қудратини халқ қалбига сингдиришда уларнинг таълимоти фаоллик кўрсатган донишмандларнинг етишиб чиқишига сабабчи бўлди. Ислом ғоясини, яратганнинг буйруғини мадраса ва масжидларда илҳом билан тарғиб қилувчилар кўпайиб борди. Дастлаб Термиз ва Чағониённинг бошқа шаҳарларидаги масжид ва мадрасаларида таҳсил кўриб, кейинчалик Бухоро, Самарқанд, Марв, Хуросон, Ҳижоз, Ироқи аҷам, Бағдод ва бошқа мусулмон шаҳарларида ўз илмини бойитиб қайтган олиму уламолар аждодларимиз қандай кишилар бўлганлигини жаҳонга танитишда йўлчи юлдуз бўлиб қолдилар. Донишмандлар халқи тинч ва обод мамлакатдагина уюшган ҳолда ижод қиладилар.

IX-XII асрларда Мовароуннаҳрда феодализм тез суръатда ривож топаётган давр эди. Ана шу даврда Термиз шаҳрининг ҳам қиёфаси тубдан ўзгариб, гўзал шаҳарга айланди. Мисол учун, термизшоҳлар саройидан топилган сопол ва шиша идишлар, хумлар, деворларга ишланган бежирим, бетакрор, тил билан таъриф этиб бўлмайдиган нақшлар ва безаклар бобокалонларимизнинг диди нақадар юксак эканлигидан далолат беради.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, IX-XII асрлардаги гўзал ва кўркем Термиз шаҳри Мовароуннаҳр ва Хуросон, араб дунёси мамлакатлари, Хитой ва Ҳиндистон учун жуғрофий жойлашуви ва ҳамкорлик борасида «Буюк ипак йўли» дағижўғрофий жойлашуви ва ҳамкорлик борасида ҳар томонлама ривожланган шаҳарлардан бири бўлиб қолди.

Тарих фанлари доктори, профессор А.Асқаровнинг «Термиз Мовароуннаҳрдаги энг қадимий шаҳарлардан биридир, аммо унинг келажаги буюқдир. Афсуски, унинг бутун сир-асрори ер остидадир» деган сўзлари нақадар тўғри эканлигини ҳаётнинг ўзи исботламоқда.

МУНДАРИЖА

Муқаддима	3
Термизнинг IX-XII асрлар маданиятини ўрганишнинг асосий босқичлари	7
Шаҳарсозлик ва меъморчилик	7
«Буюк ипак йўли» чорраҳасидаги шаҳар	32
IX-XII асрларда Термизда ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаёт	37
Адабиёт, санъат, фан ва ислом дини тадқиқоти	37
Хулоса	69

